

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-коднинг
сканер қилинг.

УСТОЗ

Муаллим — эзгулик, иймон боғбони,
Қалбларга зиёдир нури офтоби,
Ў билан собитдир илм бўстони,
Гавҳари ҳикматдир ҳар бир хитоби,
Меҳр оташига асло йўқ қиёс
— Устоз.

Дунё тамаддунин тутар кифтида,
Яхши амал борки барига пойдор,
Тошда гул ундирар юрак тафтида,
Ҳар бир соҳа ичра чўнг хиссаси бор.
Қуёшдек нур тутмоқ фақат унга хос
— Устоз.

Камтарсиз камолга етказиб мингни,
Содда чеҳрангиздан ёғилар ҳикмат,
Маърифатга тикиб кўз нурунгни,
Илму урфон дея чекурсиз заҳмат,
Заминдек хокисор, фидо беқиёс
— Устоз.

Бизга бахт калитин тутар шу қўллар,
Англаймиз Ватанни, бурч ва иймонни,
Қўлимиздан тутиб ҳаётга йўллар,
Устоз-ла енгуриб минг бир довонни,
Унинг ҳар каломи мукаррам, эъзоз
— Устоз.

Зулфия ЮНУСОВА



2020 йил 3 октябрь, № 40 (2895)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Қадри муаллимлар!
Мухтарам устозлар!

Бугун сиз, азизлар билан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини – умумхалқ байрами арафасида учрашиб турганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, жойлардаги студияларда ўтирган фидойи устозларимизни, «ойнаи жаҳон» орқали бугунги тантанали маросимни кўриб турган барча юртдошларимизни ушбу кутлуғ айём билан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс хиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шундай қувончли кунда барча шоғирдларингиз, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эътиромимиз, эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни **кўнглиларнинг сурури, кўраб кўзларнинг нури**, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қал-

бига илм-фан зиёсини синдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.

Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, қадри тарбиячиларга, барча жонкуяр зиёлиларимизга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилишингизни истардим.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқимда мен бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратдим.

Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунаемиз. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳаммиша устувор вазифа ҳисобланади.

Бугун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавир-рус пандемиясини бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб

даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Бугунги қийин шароитга қарамасдан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу борадаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда «онлайн мактаб» лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди.

Яқинда республикамизнинг аксарият мактабларида, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, янги ўқув йили бошланди. Эзгу анъанамизга мувофиқ, қарийб 650 минг нафар 1-синф ўқувчисига Президент совғалари сифатида 72 миллиард сўмлик ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болаларга қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуролларидан иборат 426 миллиард сўмлик моддий кўмак берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига қаради.

Айни вақтда, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи ва педагогларнинг саломатлигини асраш масаласи барчамизнинг алоҳида эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда мактабларни зарур тиббий ва антисептик

2-бетда ►►



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

◀ 1-бетда

воситалар билан таъминлаш учун Инқирозга қарши кураш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хабарингиз бор, бу йил 1,5 миллионга яқин ёшларимиз олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп демакдир. Биз мана шундай оғир вазиятда тест синовларини очик стадионларда, эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий амал қилган ҳолда, муваффақиятли ўтказишга эришдик.

Буюк давлат арбоби Индира Гандининг «**Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз**», деган сўзларида катта ҳаётий ҳақиқат борлигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун жорий йилда қишлоқ-жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратдик.

Уйлайманки, қизларимиз учун яратилган бундай кўшимча имконият яна юзлаб оилаларга билим ва маърифат нурини олиб кириди. Бу, ўз навбатида, ёш қизларимизнинг келажақда жамият учун муносиб касб эгалари бўлиб камол топишига пухта замин яратади. Биз бу борадаги ишларимиз кўламини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб борамиз.

Ҳурматли ватандошлар!
Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк юнон олими Аристотелнинг «**Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади**», деган сўзлари бор.

Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан бундан таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинган сизларга яхши маълум. Мана, куни кеча тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга руҳсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллимлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия услубларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали **Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларининг далолат беради.

Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

«**Ислом маданиятининг олтин асри**» деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуг уламолар бутун муслмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Ўйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беход сингари мусаввирлар, кўп-лаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шухрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишланганлар.

Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойлиқни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг

Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга дунё ахли ҳавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аждодларимизнинг бетақдор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳаммиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан сўғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Шу муносабат билан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Муслмонлар идораси, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрсин. Бу масалага Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев масъул этиб белгиланади.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: минг афсуски, ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё заминидан ички уруш ва низолаб, ҳокимият учун кураш авж олди. Айирмачилик ва маҳаллийчилик кучайди, маърифат ўрнига жаҳолат илдиз отди. Натижада бир пайтлар гуллаб-яшнаган ўлкамизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироз юзага келди. Илм-фан ва тафаккур машъали сўна бошлади. Юртимизнинг ўн тўққизинчи асрга келиб қарамликка тушиб қолишида айна шундай салбий ҳолатлар асосий сабаб бўлгани ҳаммамизга яхши аён.

Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳаммиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йиғирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий ўйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолюқликдан олиб чиқиш, миллатимизни гафлат ботқоқдан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилди-лар. Улар «**Илмдан бошқа нодир йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас**» деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашуралӣ Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуг инсонлар миллий ўйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқарашини ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, наشريёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдида қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг тўхмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатагон қилди. Шу тариқа миллий ўйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу йил таваллудининг 145 йиллигини нишонланаётган улуг маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий ўз вақтида **биз учун икки эмас, тўрт тилни билиш зарур**, деб бонг урган эди. Бехбудий бобомизнинг ушбу даъвати ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди.

Қадрли муаллимлар, мен бугун Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни муқофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Ана шундай юртдошларимиз орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов «**Буюк хизматлари учун**» ордени билан тақдирланганини сизларга ва бутун элимизга мамнуният билан айтмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, жадидлар меросини янада чуқур ўрганиш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Ҳурматли дўстлар!
«**Оққан дарё – оқаверади**», дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Бу фикрларга бир мисол келтирмоқчиман. Биласизлар, Қорақўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қилган фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев номини ҳам барчамиз яхши биламиз. Бу ажойиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган бўлиб, замонавий шароитга, қўлай имкониятларга ҳам эга эмас эди.

Бугун ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига ўқишга қиряпти. Халқаро

олимпиадалардан энг кўп медаль олиб келаётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қорақўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга берапти.

Биз бу таълим маскани эришаётган катта ютуқларни инobatта олиб, ўтган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик.

Тўхтамурод домла ҳам, жадид боболаримиз каби, тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратишга эришди.

Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, давримизнинг Авлонийси, Бехбудий домласи, Мунавварқориси!

Бундай улкан натижага эришиш учун албатта ўзига хос ўқитиш тизими бўлиши керак. Айна вақтда бундай ютуқлар замирида инсоннинг ўз касбига, Ватанига меҳри ва садоқати, юксак масъулият туйғуси мужассам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу мактабда Тўхтамурод ака бошчилигида ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз боласидай кўрган, бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шаклланган ва бу ишлар бугун ўзининг муносиб натижасини бермоқда.

Моҳир педагог Тўхтамурод Жумаев таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари ва ибратли фаолияти учун Президент Фармонига асосан давлатимизнинг юксак мукофоти – «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар. Фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамурод акани ва мукофотга сазовор бўлган барча ўқитувчи ва мураббийларимизни ўз номидан, халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари, шу ўринда савол туғилади: Қорақўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирлиги унинг ноёб тажрибасини етарлича омалаштирмапти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим даргоҳини ибрат олмаяпти? Халқ таълими вазири Ш. Шерматов нега уч йилдан буюн бу жиддий масалага етарлича эътибор бермаяпти?

Афсуски, ҳаммамиз «Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ», деб бепарво бўлиб юрибмиз.

Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?

Ваҳоланки, бугунги кунда бизга мана шундай юзлаб мактаблар, ўз касбининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган минглаб мураббийлар сув билан ҳаводай зарур.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиғи ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир туманда камида биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарур.

Президентнинг ҳар бир ҳудуддаги вакиллари, ҳар бир вилоят ва туманнинг етакчилари – бу ҳокимлар. Маъмун академиясининг бешиги, Мухаммад Хоразмий юрти бўлган Хоразм, Мирзо Улуғбек камолга етган Самарқанд, дунёга Бобур Мирзони берган Андижон, Аҳмад Фарғоний ватани бўлган Фарғона вилоятларининг ҳоқимлари бугун бу оқсоқлик ва бепарволик тўғрисида нима дейдилар?

Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиш учун сизларга олти ой муҳлат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, безаш мумкин, лекин уларни замонавий маъно-мазмун, илм-маърифат, тарбия билан тўлдириб қўлимиздан келадими?

Бу долзарб масала устида ҳокимлар билан Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар ва идоралар раҳбарлари биргаликда жиддий ишлашлари талаб этилади.

Азиз дўстлар!
Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуси, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонаман – ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуси бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!
Барчангиз хабардорсиз, бугун юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган муҳим соҳаларни, яъни мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин сир эмас, мактабгача таълим соҳаси бу борадаги ислохотлардан яқин вақтгача четда қолиб келди.

Аслида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Шуларни назарда тутиб, биз юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барло этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикада боғчалар сони 3 баробар ошиб (5 минг 200 тадан 14 минг 200 тага), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етгани ана шундай амалий ҳаракатларимиз натижасидир.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий эти-

«2-бетда»

лиши туфайли 223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Кўриб турибдики, дастлабки натижалар ёмон эмас. Бироқ ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина.

Соҳада давлат-хусусий шериклик тизimini ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим қамровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактабгача таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазифалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз ҳамisha устозларни эъзозлаб, уларнинг хурмат-иззатини жойига қўйиб келган. «**Устоз ота каби улуг**» деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қорғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг кадр-қиммати жойига қўядиган пайт келди.

Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммамиз яхши тушуниб турибсиз, албатта.

Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз олди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг «хўжайини» кўпайиб кетди. Бундай нохўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилож ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Мана, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопик ва яганага чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсни бой беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқув дастурининг қарийб 3 минг соати – 30 фоизи далада мажбурий меҳнатда ўтди, дегани эмасми? Бошқача айтганда, бола 11 йил ўрнига атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамма соҳани ўз эгасига, жумладан, кишлок ҳужалигини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз туфайли бунга эришмоқдамиз.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб бораётди. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт йил олдин бундай ўзгаришларни тасаввур қилиб бўлармиди?

Ҷамиятда устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ҳали бу борада кўзланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда.

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга аввало, талабчан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келади. Нима учун? Чунки мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлган. Ҳаётта илк йўлланмани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

Шу сабабли биз синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўряпмиз. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилади. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Ўрни келганда айтмоқчиманки, мен бүгун имзолаган Фармон билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш керак.

Бугунги кунда ҷамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қаҳди, шаъни ва ғурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бутун ҷамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини ўйлаб, ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгиланиш таклиф қиламан. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намойён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қафолатланиши керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми аниқ белгиланиши лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилиши зарур. Амалда

бу масала ўта мураккаблиги ва ортиқча қоғозбозлик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда аксарият эскирган қонуности ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.

Қонунда, шунингдек, мактаб директорига қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда ҳисобот бериш тартибини белгилаш зарур.

Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак. Энди мактаб директори йил якуни бўйича дастур ижроси ҳақида маҳаллий кенгашда ҳисобот беради ва унинг фаолиятига халқ вакиллари томонидан очик-ойдин баҳо бериб борилади. Мактаб директорига интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш масалалари ҳам маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Парламентимиз аъзоларидан маҳаллий кенгашларнинг мактаблар билан ишлаш тизimini алоҳида назоратга олиб, ушбу жараёнларга яқиндан кўмак беришларини сўрайман. Олий Мажлис палаталари (Т. Норбоева, Н. Исмоилов) икки ой муддатда умумтаълим мактаблари билан ишлашни янада кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўрғазма қуроли билан тўлиқ таъминлаш лозим.

Афсуски, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмаяпти. Уларнинг фаолияти асосан хўжалик ишларини назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўллашдан иборат бўлиб, таълим сифати билан шуғулланиш иккинчи даражали масалага айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг мақомини оширишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундан буён туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳокимнинг маориф бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради ва бевоқиф ҳокимлик биносида ўтиради. Шунга мос равишда уларга зарур ваколатлар берилади.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда алоҳида жамғарма ташкил этсак, нима дейсизлар?

Жамғарма маблағлари илғор ва намунали мактаб раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлимлари методистларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Кўчқоров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) бир ой муддатда ушбу жамғармани ташкил этиш ва унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрласин.

Қадрли дўстлар!

Кейинги вақтда мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланиб, соҳа ривожидан янги давр бошланганидан хабардорсиз. Ана шу ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги икки йилда 556 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 77 та янги мактаб қурилди. 1 минг 930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтгача мавжуд бўлган кишлок мактабларидаги «қўлбола печка»лар ҳам тўлиқ алмаштирилмоқда. Юзлаб мактабларда электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур биналар барпо этилди. 6 мингга яқин мактаб юқори тезликдаги интернетга уланди.

Шу билан бирга, хусусий таълим тизимига кенг йўл очилмоқда. Бу борада лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Утган уч йил давомида уларнинг сони 6 марта ошиб, 140 га етгани диққатга сазовордир.

Мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Математика ҳамда кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдиқ. Уларга асосан ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларга ихтисослашган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида математика йўналишида 56 та, кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилгани бу ишларнинг бошланишидир.

Математика, кимё, биология, ахборот тизимлари ва информатика фанлари бўйича сертификация тизimini жорий этишни бошладик. Урта таълим тизимига иктидорли ўқувчилар ва ўқитувчилар билимини баҳолаш тизimini кенгайтириш мақсадида бошқа асосий фанлар бўйича ҳам сертификация тизimini жорий этиш зарур.

Ҳабарингиз бор, пойтахтимизда Мухаммад Хоразмий номида ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган янги мактаб очдик. Айни пайтда фарзандларимизнинг «ай-ти» технологияларга қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида жорий йилда – 14 та, келгуси йилда – 82 та, 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда – 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман ва шаҳарлар қамраб олинади.

Ўқитувчилар ишини энгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини якунлаб, «Онлайн мактаб», «Рақамли ва хавфсиз мактаб», «Электрон дарслик», «Электрон кундалик» каби тизимлар жорий этилади. 2020 йил охиригача мактабларни кенг полосали интернет тармоғига улаш даражаси 70 фоизга етказилади. Келгусида барча мактаблар 100 фоиз интернет билан таъминланади ва бунинг учун Давлат бюджети маблағлари йўналтирилади.

Биз халқаро фан олимпиадалари ғолиблири ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизimini йўлга қўйдик. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медаль олса, совриндор ўқувчига ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчига ҳам нари борса битта фахрий ёрлик берилади. Ҳозир улар миллионлаб пул мукофоти билан тақдирланмоқда.

Бу рағбатлантириш тизими амалда ижобий натижа бера бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Пандемия шароитига қарамасдан, ўқувчи ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаётгани барчамизни қувонтиради. Хусусан, бу йил 28 нафар иктидорли ўғил-қизимиз ана шундай олимпиадаларда 2 та олтин, 8 та кумуш, 15 та бронза медаль ҳамда 3 та дипломни қўлга киритгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Ушбу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўта-

риш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги қошидаги Фан олимпиадалари бўйича иктидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти фаолиятини кучайтириш, вазирнинг биринчи ўринбосарини бу масала бўйича бевоқиф масъул этиб белгилаш лозим.

Биз кейинги пайтда таълим соҳасида мутлақо янги тизим яратиш мақсадида ташкил этишни бошлаган Президент ва ижод мактаблари зиммасига барча умумтаълим мактаблари учун ўрнат ва андоза бўлиш вазифаси юклатилган. Афсуски, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг (С. Бобоҳўжаев) бу борадаги жонбозлиги ва ташаббускорлиги ҳали-ҳануз сезилмаяпти.

Айни вақтда, кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун, мактабнинг ҳам масъулиятини оширадиган вақт келди. Бу – давр талаби. «**Қарс икки қўлдан чиқади**», дейди халқимиз.

Бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, нега қанчадан-қанча мактабларда битирувчиларнинг 10 фоизи ҳам олийгоҳларга қира олмаяпти? Ота-оналар репетитор ёллаб, пул тўлаб болаларини ўқишга тайёрлашга мажбур бўляпти.

Савол туғилади: нима учун аксарият мактабларимиз 11 йил ўқитган ўқувчилар олийгоҳга қира олмаяпти-ю, репетитор 2 йилда бунга эришяпти?

Бу саволлар ҳар бир мактаб ўқитувчиси, жамоаси ва директорини, ҳар қайси виждонли педагогни ўйлантириши зарур, деб ўйлайман.

Энди мактаб жамоатчиликл олдида ҳисобот берадиган бўлади. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-хунарга эга бўлиши шарт. Айнан шу мезон асосида мактаб жамоаси ва директорини фаолиятига баҳо берилади.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнидага тагиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва ҷамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади. Лекин бу юксак натижаларга эришиш учун таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишимиз лозим.

Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қоникарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари асосан ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизimini мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли Республика таълим маркази фаолияти замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши керак. Ушбу марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев томонидан шахсан мувофиқлаштирилиши ва назоратга олинishi зарур.

Бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиши ва қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослашган синфларда ўқитишни давом эттириш тизimini жорий этиш лозим. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси навбатдаги ўқув йилидан бошлаб 4-синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиши керак.

Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиши даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамisha эътиборимиз марказида туриши зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари ўз худудидида педагог кадрлар тайёрлайдиган университет ва институтлар билан жиддий ишлаши керак. Ушбу олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчиларига ипотека ва истеъмок кредитлари ажратиши, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволанишини ташкил этиш масалалари шахсан ҳудуд раҳбарининг назоратида туриши лозим. Чунки эътибор қаратадиган бўлсак, жойлардаги ҳамма мутахассиснинг – фермер ёки инженерни оласизми, бошқа касб вакиллари оласизми, ҳаммасига эътибор ва ғамхўрлик қиладиган ташкилотлар бор. Фақат ўқитувчининг, ўқитувчи тайёрлайдиган институтларнинг, таъбир жоиз бўлса, жойларда «эгаси» йўқ.

Тақрор айтаман, энди бу масала билан шахсан ҳокимлар шуғуланмади.

Бугунги тез ўзгараётган замонда, барча соҳаларда ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш ҳал қилувчи масалага айланган бир пайтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini бу талаблардан орқада қолмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бор. Минг афсуски, бу институтнинг исми жисмига мос эмас. Улуғ маърифатпарвар илгари сурган ва муваффақиятли амалга оширган ғоялар, замонавий таълим методикасини ишлаб чиқиш масалалари институт фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топа олмаётганини айтишга мажбуримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

◀◀ 3-бетда

Шу муносабат билан мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги институт фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш талаб этилади.

Мазкур таълим даргоҳи ҳудудлардаги университетлар ва педагогика институтлари билан биргаликда туман халқ таълими бўлими мудирлари ва мактаб директорларининг малакасини ошириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини яратиш, масофавий таълим бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Соҳада рақобатни таъминлаш мақсадига нодавлат таълим ташкилотларини ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига жалб қилиш вақти келди. Бу жараёнда ўқитиш харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ йўналтирилади.

Уртак кўрсатган ўқитувчилар учун мажбурий малака ошириш талабларини бекор қилиш, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилари олган билим даражаси билан баҳолашни назарда тутиш лозим. Ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган педагогларга олий малака тоифаси тўғридан-тўғри тақдим этилиши керак.

Эндиликда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тизими жорий этилади. Яъни ўқитувчилар бевосита малака ошириш марказларига бормасдан, масофадан туриб ўз касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, таълим сифатини оширишга қўмақлашадиган ва ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишига амалий ёрдам кўрсатадиган устоз-шогирд тизими ташкил қилинади ва уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади.

Мактабларда информатика, кимё, хорижий тиллар каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадига педагогик бўлмаган йўналишлар бўйича олий таълим олаётган ёшлар учун қисқа муддатли педагогик курслар ташкил қилинади.

Муаллим ва ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш ҳақида гапирганда, бугун жамиятимизда долзарб бўлиб турган яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.

Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўзи ўрни бор.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммага айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда босма матбуот нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдирish чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатларни давом эттириш, айниқса, муסיқа ва санъат, ахборот технологиялари ва спорт тўғрисидаги фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш алоҳида диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий имунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида «Тарбия» фанини жорий этмоқдамиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз «Тарбия» фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Хабарингиз бор, бир йил олдин ўтказилган селектор йиғилишида халқ таълимининг ривожлантиришнинг умуммиллий мақсад, умумхалқ ҳаракати сифатида белгилаб олган эдик. Ушбу ҳаракат доирасида барча поғонадаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари мактабларни оталиққа олган эди. Шундан сўнг ҳокимларимиз «урра-уррачилар» билан бир муддат мактабга киргандек бўлди, буни «ойнаи жаҳон»да намойиш ҳам қилди. Лекин шу билан тамом – мактаб эсимиздан чиқди.

Тақдор айтаман, бугун мактабга кирмаган, мактабнинг, ёш авлоднинг дарду ташвишлари билан яшамаган раҳбарни эртага ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам институционал ислохотлар олиб борилмоқда. Энди ҳокимлар иш вақтининг фақат 10-15 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасига сарфлайдиган шароит вужудга келмоқда. Қолган вақтда улар ижтимоий масалалар, аввало, таълим-тарбия, маънавият билан бевосита шуғулланишлари лозим.

Мана, ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳамма фермерларни номма-ном билади. Лекин мактаб директор-

ларини, илғор синф раҳбарларини, фаол ўқитувчиларни-чи? Бугун бу борада қайси ҳокимни ибрат, намуна қилиб кўрсата оламиз? Афсуски, жавоб йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунни албатта мактабга бағишлаши керак.

Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида янги шаклдаги муассасалар тармоғи йўлга қўйилганидан барчангиз хабардорсиз. Жумладан, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси – касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар яқин кунларда ўз фаолиятини бошлайдилар. Уларда 200 мингдан ортиқ ўқувчилар бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида таълим олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Ҳудудларнинг раҳбарлари эса битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳақида беш қотириши зарур.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисоблангани ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ислохотларни амалга оширяпмиз. Янги-янги олий ўқув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шакллари қайта тикладик, қабул квоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етган бўлса-да, биз бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва стажировка ўташини таъминлайдиган механизми яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилди.

Айни пайтда олий таълим соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Бу муаммолар нисбатан иборат? Уларни ҳал этиш учун қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Аввало, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, айниқса, ҳудудларда нодавлат олий ўқув юртларини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ташкил этиляпти. Лекин нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмаяпти?

Ақсарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бераётганини ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар улуши ўртача 37 фоиз экани бизни қониқтирмайди. Ҳудудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам ҳали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жиддий хулоса қилишимиз керак.

Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак. Ушбу муассасаларда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадига илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини 3 баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини 4 марта кўпайтириш зарур.

Бугун «рақамли иқтисодиёт» деган тушунча дунёда энг долзарб масалага айланганини барчамиз кўриб турибмиз. Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чўқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Барчамиз бу масалани чўқур англаган ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиддий ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ишга бугун киришмасак, эртага кеч бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиши зарур.

Муҳтарам дўстлар!

Ёдингизда бўлса, давлат раҳбари сифатидаги менинг биринчи учрашувим 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз академиклари билан бўлиб ўтган эди. Бу пайтда Фанлар академияси муаммолар гирдобига ботиб қолган, унга охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Оқибатда ўтган давр мобайнида академикларнинг сони 2 баробар қисқариб, 63 нафар академик қолган эди, холос.

Биз академияни, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариб, соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш учун зарур амалий чораларни кўрдик. 32 нафар янги академик сайланди. Фанлар академиясининг фаолиятини давлат бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Жумладан, 40 та илмий лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мақсадлар учун биргина Фанлар академиясининг институтларига қарийб 300

миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Биз жамиятимизда илм-фаннинг қадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўлида жиддий ҳаракат қилляпмиз. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, ўша учрашувда билдирилган ақсарият вазифа ва топшириқлар бугун ҳам долзарб бўлиб, уларни тўлақонли амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

Шахсан мен жонкуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий аънаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, илм-фанни тараққиётимизнинг драйверига айлантириб, мамлакат ривожига хизмат қиладиган муҳим кашфиётлар яратишларига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домлалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятта янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдида ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё миқёсидаги кескин рақобатта бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарслиқлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бериш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: **азиз дўстлар, биродарлар, агар интилсақ, астойдил ҳаракат қилсақ, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, «илиги тўқ» халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.**

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Биз Худо берган истеъдодга парвариш зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар қандай иқтидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Мана, Теурийлар даврини эслайлик, Ғазнавийлар, Хоразмишоҳлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомийлик бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуг алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёрқин намоён бўлма эди.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз.

Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янглишади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эртами-кечми, албатта тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синновдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуг аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Ўнги: **«Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир».**

Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қиладим.

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуг ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Азиз муаллимлар, муҳтарам домлалар!

Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш беришни Президент сифатида ўзининг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо фарзандларингиз, шогирдларингиз, элу юртимиз хурмати ва ардоғида бўлиш бағи насиб этсин, азиз устозлар!

Эътиборингиз учун раҳмат.

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИГА МУНОСАБАТ

“ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти
Бош Ассамблеясининг
75-сессиясидаги нутқини
миллион-миллион
юртдошларим қатори зўр
ҳаяжон билан тингладим.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи янграшдан бир неча соат олдин ҳарбий журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабаларга маъруза ўқидим. Талабалар ҳам Юртбошимизнинг чиқишини орзиқиб кутишаётганини айтишди. Нега? Бу саволга улар «давлат тилида, ўз она тилимизда илк бор нуфузли минбардан чиқиш бўлгани учун», деган жавобни беришди. Ёшлар учун, келажагимиз давомчилари учун бу кўтаринкилик, фахр-ифтихор бахш этаётгани. Мендаги орзиқиш замирида ҳам БМТнинг минбаридан илк бор ўзбек тилида янграйдиган маърузани эшитиш тўғриси устувор эди.

БМТ Бош Ассамблеяси юбилей сессиясининг илк кунда давлат раҳбарлари чиқишларини кузатдим. Аслида бу нафақат битта давлат, халқнинг ташвиши, муаммолари, балки жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган, ечимини кутаётган масалалар ўртага ташланадиган минбар. Бироқ айрим нутқларда турли иддаолар, ихтилофлар янграгани ҳам сир эмас. Гегемонлик руҳи, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви акс этган бундай маърузаларни эшитиб, бир-бирларини айблашга уринишларни кўриб, нотинч дунёнинг бугунги қиёфасини яна бир бор англайсиз. Ўзбекистон раҳбари эса дунёдаги ва минтақадаги долзарб муаммоларга эътибор қаратиб, уларни самарали ҳал этишининг муҳим жиҳатларини кўрсатиб берди. Аниқ ва теран сиёсий ёндашув шу сабабли ҳам жаҳон майдонида эътирофларга сазовор бўлди. Бу билан Ўзбекистон ва унинг халқи нафақат мамлакат ичидаги муҳим янгиланиш ва ўзгаришларда, балки минтақадаги ва дунёдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиш йўлида собит қадам ташланаётганини жаҳон ҳамжамиятига баралла айтди.

Афғонистон миллий исломий ҳаракати асосчиси, Афғонистон ўзбеклари раҳбари маршал Абдул Рашид Дўстумнинг ЎзА сайтида берилган муносабатини ўқиб, нутқнинг ҳазрат Навоий тилида янграгани нафақат биз учун, балки хориждаги ўзбек миллатига мансуб биродарларимиз учун ҳам фахр-ифтихор касб этганини англайсиз. Маршал жумладан шундай дейди: «Ўзбекистон Президенти ушбу чиқишининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, БМТ тарихида илк маротаба мустақил Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Мен бундан шахсан ўзим ўзбек ўғли ва афғонистонлик ўзбекларнинг раҳбари сифатида фахрланаман. Бу биз учун юксак ифтихордир.

Ўзбек тилида сўзланган бу нутқ нафақат 34 миллионлик Ўзбекистон аҳлини, балки дунёдаги кўплаб мамлакатларда яшовчи миллатдошларимизни, хусусан, Афғонистондаги ўзбекларни ҳам чин маънода ғурурлантирди».

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари нутқидаги муҳим таклифлардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқиш масаласи бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад, Президентимиз фикри билан айтганда, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлигини ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир.

Ўзбекистон раҳбарининг бу муҳим ташаббуси келгусида бундай офатларга қарши курашда барча давлатларнинг масъулиятини оширади ва биргаликда ҳаракат қилишига ҳуқуқий асос яратади. Айтиш

ТАРАҚҚИЁТ, ҲАМКОРЛИК ВА ТИНЧЛИККА ЙЎРРИЛГАН ТАШАББУСЛАР

жоизки, бу инсоният манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусдир. Негаки, бундай ҳуқуқий асосга бугун жаҳон ҳамжамиятининг эҳтиёжи бор. Буни БМТ Бош котибининг қуйидаги фикрлари ҳам исботлайди: «COVID-19 вируси назоратдан чиқиб кетишининг сабаби дунё жамоатчилигининг муаммо юзасидан бирдамлик ва ҳамкорликка тайёр эмаслигидир». Антониу Гутерриш БМТ Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида бу хусусда фикр билдирар экан, муаммони ҳал этиш учун глобал бошқарув ҳамда кўп томонлама дипломатиянинг новаторлик ёндашувларига бугун жаҳоннинг ҳар қачонгидан-да эҳтиёжи ортиб бораётганини таъкидлаганди. Шунинг ўзи ҳам мамлакатимиз раҳбари ташаббуси бу фикрга қанчалар ҳамоҳанглигини ҳамда долзарблигини кўрсатади.



Давлатимиз раҳбари минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлаш мақсадида БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифини билдиргани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Бу муҳим стратегик вазифанинг амалга оширилиши, ушбу марказнинг ташкил этилиши қандай аҳамиятга эга? Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар институтининг логистика инфратузилмани ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш лойиҳаси раҳбари Дилдора Ибрагимованинг фикрича, мазкур ташаббус минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади ва норматив-ҳуқуқий базалар, техник меъёрлар ва стандартлар бўйича минтақавий тартибга солиш органи сифатида ишлайди. Шу билан бирга тадбирларни амалга оширишда ва турли воситалардан фойдаланишда фаол ёрдам беради ва иштирокчи мамлакатларнинг халқаро транспорт ташувларини амалга оширишдаги муаммоларига ечим бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юксак минбардан яна бир бор қўшни Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди. «Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари БМТнинг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарур.

Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада «Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» деган таъмин асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим.

Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур», деди жумладан давлатимиз раҳбари.

Пандемия дунё иқтисодиётига жиддий «жароҳат» солди. БМТ келтирган маълумотларга кўра, 2020 йилнинг дастлабки III чорагида дунё аҳолисининг даромади 10,7 фоизга пасайган. Рақамларда айтадиган бўлсак, бу 3,5 триллион АҚШ доллари дегани. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, жорий йилнинг биргина иккинчи чорагида жаҳонда ярим миллиардга яқин ишчи ўрни йўқотилган. Дунё минтақалари ичида бу борада энг кўп жабр кўргани Шимолий ва Жанубий Америка. Аҳоли даромади 12,1 фоизга қисқарган. Европа ва Марказий Осиёда эса бу кўрсаткич 10,6 фоизни ташкил этган. Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдернинг таъкидлашича, бундай шароитда қашшоқ ва даромади ўртача даражадан паст бўлган мамлакатларни халқаро ҳамжамият молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоғи керак. Ташкилот ҳисоб-китобларига кўра, камбағал давлатлар иқтисодиётини тиклаш учун 45 миллиард доллар ажратиш талаб этилади. Муаммо ечими сифатида Гай Райдер БМТ Бош Ассамблеясида халқаро ҳамжамият бу борада глобал стратегия қабул қилиши лозимлигини билдириб, инқирозни ҳеч бир мамлакат ёки минтақа яқка ҳолда бартараф эта олмаслигини таъкидлайди.

Юртбошимиз нутқида дунё ҳамжамияти олдидаги бу оғриқли масалага тўхалиб, **қашшоқликни тугатиш ва камбағаллик-**

ка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди.

Маълумки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида вазирлик тузилиб, муҳтож оилаларга даромад манбаини яратиш, ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш, турли шаклда субсидиялар бериш, янги иш ўринлари яратилишини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг яқинда қабул қилган қарори билан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» жорий этиляпти. Ижтимоий нафақа олувчилар сони икки баробар кўпайиб, 2020 йил охирига қадар 1 миллион 200 минг, 2021 йилда эса 1 миллион 500 минггача етказилиши белгиланган.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, юртимизда амалга оширилаётган бу ишлар давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши кураш масаласини асосий мавзулардан бири сифатида киритиш ҳақида билдирган таклифи билан ҳамоҳангдир. Иккинчи томондан пандемия шароитида айрим мамлакатларда кескин тус олаётган, тобора ташвишли оҳанг касб этаётган, барчамизни безовта қиладиган қашшоқликка дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мамлакатимиз Президентининг, жаҳон майдонида ўз сўзини баралла айтаётган Ўзбекистоннинг бундай ташаббуслари дунё ривожига, ҳамкорлик ва тинчликка ҳисса қўшаётганлиги билан эътирофга сазовор.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

УСТОЗ — ҚАЛБ МЕЪМОРИ

ЎХУД ИЛМ ЗАҲМАТКАШЛАРИГА ЭҲТИРОМ

“ Устоз! Бу сўзни тилга олганимизда кўз олдимизда илм улашишдек эзгуликни ҳаётининг мазмунига айлантирган заҳматкаш инсонлар сиймоси жонланади. Зотан, инсоният устозлар берган таълим-тарбия туфайлигина ҳақиқий саодатга эришади, унинг шарофати билан юксалади, ҳаётни англайди, Ватанни танийди. Ҳа, муқаддас китобларда бежиз «Олам гултожи инсон бўлса, инсонлар орасида Яратган учун энг суюкли зот бу устоз-муаллимдир», дея нақл қилинмайди. Шунинг учун ҳам азал-азалдан устозларга эҳтиром кўрсатиш, уларни улуғлаш асл қадриятга айланган.

Ҳар йили юртимизда 1 октябрь санасининг «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами сифатида кенг нишонланиши, халқимизнинг бу касб эгаларига бўлган чексиз ҳурмати ифодасидир. Байрам муносабати билан жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилади. Шундай тадбирлардан бири Қуролли



Кучлар академиясида бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбир онлайн тарзда барча округ ва муассасаларга узатилди.



Шукуҳли ўтган тантана давомида маърифат йўлини эзгулик йўли деб билган устоз ва мураббийлар шаънига энг чиройли сўзлар, тилаклар айтилди. Уларнинг меҳнати

олқишланди. Ўз касбига бўлган садоқати ва фидойилиги билан барчага ўрнак бўлиб келаётган шарафли соҳа вакилларига мудофаа вазирининг буйруғига биноан навбатдаги ҳарбий унвонлар берилди, яна бир

гурӯҳига «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

Г у л л а р , олқишлар, мактовлар... Бундай лаҳзаларда кўнгилдан ўтаётган хис-ҳаяжонни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Кўзларда миннатдорлик туйғуси акс этди, юзларда шодлик балқиди. Бир сўз билан айтганда, муборак айём ўқитувчи ва



мураббийларни унутилмас, файзли лаҳзаларга ошно этди. Шунинг учун ҳам улар бу кунни узоқ вақт ёдларида сақлаши, шубҳасиз.

– Жудаям хурсандман, миннатдорман, – дейди ўқитувчи Муҳаббат Исаева. – Тўғриси, ҳаяжондан тилимга бир сўз келмаяпти... Кўп ҳамкасбларим қатори менинг ҳам меҳнатимни эътироф этишди: мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирландим. Бундай эъзоздан бошим кўкка етди. Биласизми, нимадан қувонаман? Бугун ўқитувчилик касби янада қадр-қиммат топаётганидан қувонаман. Бундай эътибор соҳа вакиллари фидойи бўлишга, навқирон авлодга билим беришдек улуғвор ишга янада масъулият билан ёндашишга, изланишга ундайди. Фурсатдан фойдаланиб, барча таълим-тарбия заҳматкашларини касб байрамлари билан чин дилдан қутлайман.

Тадбир давомида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кечага ўзгача файз бағишлади.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА



«ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ»

Тошкент ҳарбий округи «Чирчиқ» умумқўшин полигониди «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» доирасида Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан қўшинлар жанговар тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш мақсадида дала моделлаштириш ва симуляция маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур марказ қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда замонавий технологиялардан тўлақонли фойдаланиш, машғулот ва қўмондонлик-штаб ўқувларини ўтказишда тактик ҳолатни ҳар томонлама баҳолаш, оптимал қарор қабул қилиш имконини беради.

Жаҳон ва минтақада рўй бераётган ҳарбий-сиёсий вазият ҳар қандай давлат учун қўшинларнинг жанговар қудратини янада ошириш, янгича жанг олиб бориш усул ва услубларини бойитишни талаб этади. Мазкур дала моделлаштириш ва симуляция марказида ҳам ҳарбий хизматчилар компьютер қўмондонлик-штаб ўқуви ёрдамида реал жанг олиб боришнинг энг маъқул жиҳатларини ўрганади. Қўшинларни бошқаришнинг замонавий кўринишларини таҳлил этиб, касбий маҳоратини оширади.

Марказда қўмондонлик ва кузатув пунктлари, замонавий компьютер техникалари, алоқа воситалари ва видеоконференц-алоқаси жиҳозлари мавжуд. Тактик бўғиндаги бўлинмаларнинг қўмондонлик таркибинини тайёрлаш марказининг муҳим вазифаларидан саналади.

Бу ерда ўқув жараёнини ташкиллаштиришда тўғридан-тўғри бошлиқ ўз бўйсунувчиларини ўқитади ва бу жараён уларнинг тайёргарлиги учун шахсан жавоб бериш тамойили асосида амалга оширилади. Тактик бўғиндаги бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчиларини (командирларини) дала шароитида ўқитиш ҳарбий округ қўмондонини томонидан ташкиллаштирилади ва у икки босқичда – назарий ва амалий шаклларда ўтказилади.

Ишга тушганига кўп бўлмаган бўлса-да, муассасада Марказий ҳарбий округ ҳарбий қисм, батальон, взвод ҳамда гуруҳ командирлари, уларнинг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосарлари назарий ва амалий билимларини мустаҳкамладилар.

Бевосита ҳарбий округ қўмондонини раҳбарлигида ўтказилган ушбу машғулотни мудофаа вазири генерал-майор Баходир Курбанов кузатди. Мудофаа вазири ҳарбий округ қўмондонлиги ва ҳарбий қисм шахсий таркибининг машғулот давомидаги хатти-ҳаракатини юқори баҳолаб, марказ фаолиятини



ДАЛА МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА СИМУЛЯЦИЯ МАРКАЗИДАГИ ИЛК МАШҒУЛОТЛАР

янада такомиллаштириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Бир неча кун давом этган машғулотларда иштирокчилар томонидан бўлинмаларнинг жанговар қўлланилиши, ҳарбий хизматчиларни тактик вазифага тайёрлаш, бўлинмалар билан ҳамкорликда ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш каби масалалар кўриб чиқилди. Олиб борилган компьютер қўмондонлик-штаб ўқувида ҳар бир бўлинма ўзига юклатилган вазифаларни бажарди. Ўқув давомида ҳар бир командирдан қарорларни аниқ ҳисоб-китоб ва ўзини оқлайдиган усулларда қабул қилиш талаб этилди. Чунки шунга қараб компьютер автоматик равишда бўлинманинг ғалабаси ёки мағлубиятини, йўқотишларни белгилаб беради. Бу ҳарбий қисмларнинг масъул офицерларида жанг

шароитида турли тактик ҳаракатларни ишлаб чиқиш, ностандарт вазиятларда қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради.

Ҳар қандай ўқув машғулоти, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтиришга, ахлоқий-руҳий кўникмаларини янада оширишга хизмат қилиши лозим. Мазкур марказ ҳам юрт ҳимоячиларининг янги тактик усулларни амалда синовдан ўтказиб, касбий маҳоратларини янада мустаҳкамлаш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир. Келгусида ушбу тизимни барча ҳарбий округ дала-ўқув майдонларида ташкил этиш режалаштирилган.

А. ОЧИЛОВ



КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

« Оддий қишлоқ мактабида ўқиганман. Ёдимга тушса, Шаҳрисабз туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабимиз, ўқувчилик йилларим худди кино тасмасида муҳрлангандек аниқ-тиниқ кўз ўнгимда намоён бўлади. Оппоқ қор остида эгилиб турган бир қатор игнабаргли дарахтлар, қуёшга етай-етай деб турган баҳайбат ўриклар (*болалик нигоҳида*), акациялар, мевали боғлар, атиргуллар, сариқ картошкагуллар... Айниқса, биринчи синф хонаси. Умримнинг катта қисми ўтди. Кў-ўп чароғон даргоҳлар масканларни кўрдим. Аммо ҳеч қайсиси ўша синфхонамиз каби файзли, ранг-баранг, ҳароратли, ўзига хос олам бўлмади. Уни баъзан тушларимда кўраман.

«ДУЙШЭННИНГ МАКТАБИ»



Аслида оддийгина синфхона эди. Тўқ кўк бўёққа бўялавериб қалинлашган эшиклар, парталар, неча йиллик доска, оқ сурп пардаси ҳам бўлмаган деразалар. Оддийгина ўқув жиҳозлари, жониворлар, йил фаслларининг суратлари бор эди. Аммо буларнинг бари жонли эди, назаримда. Биринчи ўқитувчим анча қартайиб қолдилар. Аммо мен у кишини ҳар доим эрта оқ оралаган қуёқ сочлари бир томонга батариб таралган, кулиб турган, кўркам қиёфада эслайман. Мен учун у киши дунёнинг энг билимдони, энг яхшиси, энг гўзал инсон бўлганлар ва шундай бўлиб қоладилар. Муаллимларга бўлган ҳеч сўнмас эҳтиромим айнан шу инсон – биринчи ўқитувчим туфайлидир.

Муаллимлар ҳақида кўп асарлар яратилган. Неча бор кўрсанг ҳам кўнгилга урмайдиган фильмлар эса бир миллат, давлат ҳудудидан чиқиб, дунё аҳли қалбини забт этган. Бу асарлар, фильмларнинг қиммати мўъжиза яратувчи касб эгалари тараннум этилганидандир. Шундай асарлардан бири Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссаси.

Бу қисса асосида фильм ҳам суратга олинган. Бироқ бу фильмни кўришдан қиссани ўқиш минг марта афзалдир.

Азиз ўқувчи, мен таҳлилчи эмас, тарғиботчиман. Асл асарларни тарғиб қилувчи, оддий китобхон тарғиботчи. Бугун яна бир бор туркий дунёнинг ёниқ овозли адаби Чингиз Айтматовнинг ижод оламига бўйлаб, «Биринчи муаллим» қиссасини тавсия қиламиз.

Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир мактабнинг машҳурлари, ўз қаҳрамонлари бўлади. Қисса қаҳрамони Олтиной Сулаймонова ҳам Гуркуров қишлоғидан чиққан таниқли олима. У билан элдошлари ифтихор қиладилар, янги мактаб очилишига унинг келиши катта воқеа бўлади. Меҳмондорчилик қизиган паллада почтачи Дуйшэн бир даста телеграммалар келтирди. Дуйшэн... Бу исми эшитиб, меҳмонда алланечук ўзгариш юз берди.

Қисса шу воқеадан бошланади.

Ўқиймиз: «...у одамлардан нарида, тепалиқда ариқ бўйида, куз шамолидан сарғиш тусга кирган қўштераклардан кўз узмай, кўнгли ғаш тортиб, хаёл суриб турарди. Қуёш ғира-шира оч бинафшаранг даштлик узра чизик тортиб, уфқ сари ботиб борарди. У сўниб бораркан, теракларнинг уч-учларидаги тўқ қизғиш рангни тобора хиралаштириб, алланечук ҳазинлик

туғдирарди...

– Ҳозир улар япроқларини тўкишяпти. Сиз уларни баҳор фаслида, айни гуллаган пайтида кўрганингиздами, – дедим унга.

– Ҳа, мен ҳам шуни айтмоқчи эдим... – Ҳа, шундай, оламда ҳар бир мавжудотнинг ибтидосию интиҳоси – баҳорию кузи бор, – деди маъюслианиб.

Шу аснода Олтиной Сулаймонова ажин босган сўлгин юз-кўзларига ғам-андух кўланкаси югургандай хотин-қизларга хос назокатли бир ачиниш билан тераклардан кўз узмай, ҳамон эзилган кишидек хаёл оғушида турарди. Ногаҳон, ёнимда академик Сулаймонова эмас, балки оддийгина қувонч аралаш ўйчан қирғиз аёли турганини кўрдим. Бу ўқимишли аёл, чамаси, ёшлик чоғларида айтиб келинган ашулаларини эндиликда энг баланг тоғ чўққиларига чиқиб, бор овоз билан айтиш мумкин эмаслигини эслаётгандай эди».

Айнан шу парча қиссанинг қалбидир. Айнан шу парчада бутун бир ҳаёт мужассам. Улкан муҳаббат, аччиқ ҳаёт, армонлар бор, севги тилга олинмаган, мен сени севаман, деган изҳорларсиз тоза ишқ бор.

Ишонмайсизми? Бир парчада шунчалик кўп нарсани англаб бўлармиди, деб ўйлаясизми? Ҳақлисиз. Бу парчани англаш учун қиссани ўқиб чиқиш керак. Шунда мен айтганимдан ҳам кўпроқ маъноларни илғайсиз.

Биргина исмининг ўзиёқ олиманинг қалбини ларзага солган Дуйшэн ким эди? «Мен армияда юриб хат-саводимни чиқариб келдим, унганча ҳам бироз ўқиган эдим». Бу, мактаб очиб, болаларни ўқитишга аҳд қилган йигит Дуйшэннинг овулдошларига ўзи ҳақида айтгани. Шижоатни кўринг, жасоратни қаранг! Армияда хат-савод чиқарибди, унганча ҳам бироз ўқиган экан?!

Қиссадан **ўқиймиз:** «Қўштераклар қад кўтарган бу тепалиқни негадир «Дуйшэннинг мактаби» деб айтишарди... Айтишларича, қачонлардир бу тепалиқда мактаб бўлган экан. Эндиликда эса ундан асар ҳам қолмаган. Болалик хотираларимга суяниб, сўраб-суриштириб, ҳеч бўлмаганда, унинг харобаларини топишга неча бор ҳаракат қилиб кўрганман. Лекин бирор нарса топмаганман. Қариялардан бири деди: «...Бунга анча бўлди. Дуйшэн ўша кезларда комсомолда эди. Тепалиқда кимнингдир ташландиқ саройи бўлиб, Дуйшэн у ерда мактаб очиб, болаларни ўқита бошлади. Мактаб қаёқда дейсиз, шунчаки номи бор эди. Эҳ, ажиб замонлар эди! Ушанда отнинг ёлини тутамлаб, оёғи узангига етганлар ўзларини бошлиқ ҳисоблардилар. Дуйшэн ҳам худди шундай билганини қилди. Ҳозир ўша саройчадан нишона ҳам йўқ, куруқ

номи қолган, холос...»

Адиб бу қиссани 1963 йилда ёзган. Мен эса уни анча кечроқ, 80-йилларнинг охирида ўқидим. Айнан шу мактаб воқеасини ўқиб, хотирамда алланималар жонланди. «Эски мактабхона», «Мактабхона» элас-элас ёдимда. Очиқ далада эди. Ёнидан кичиккина йўл ўтарди. Ўтган-қайтганимизда оғиз-бурнимизни маҳкам беркитиб ўтардик. Кимёвий дориларнинг ўткир ҳиди анқирди-да. Далаларга сепиладиган дорилар сақланарди. Менимча, «Мактабхона» совет давридан анча аввал қорилган бўлса керак. Чунки хароба ҳолида ҳам ҳашамати билиниб турарди.

Мавзудан узоқлашдимми? Ундай деб ўйламайман. Қиссанинг шарофати билан олис болалик хотираларим ҳам ўйғонди. Унинг номиданоқ кўнгишлар

Чингиз Айтматов Биринчи Муаллим



га ажиб ёруғлик инади. Ва «Биринчи муаллим»ни варақлаш истаги табиий равишда пайдо бўлади.

Сизга Олтинойни таништираман.

Ўқиймиз:

«– Исминг нима?»

– Олтиной, – жавоб бердим мен, йиртиқ тиззамни кафтим билан ёпарканман.

– Олтиной – чиройли исм экан, – унинг эркалаётгандай мулоим кулиб боқишидан менинг ҳам дилим ёришиб кетгандай бўлди. – Сен кимнинг қизи бўласан?»

Мен нафасим ичимга тушиб, сукут сақлаб турдим: раҳмдиллик қилганларни ёқтирмасдим.

– Ҳеч кими йўқ, етим қолган, амма-кисниқиде яшайди, – шипшитишди дугоналарим».

Бироз бўлса-да сиз уни танидингиз. Йўқ, шунчаки етимлигини, яна ғурурли ҳам эканлигини билдингиз, бу парчада. Келинг, яна бир парчани **ўқийлиг-а:** «Ўчоқ бошида ўт ёкиб ўтирган холам ўрнидан тура солиб, хўмрайганча мен томон хезланди. У ўта баджаҳл ва кўрс муомалали аёл

бўлиб, важоҳатидан от ҳуркарди.

– Ер юткур, қайси гўрда изғиб юрибсан? – дея ўшқирди у мен томон яқинлашар экан... – Эээ, исқирт, ҳайвон! Мактабда ўйнаш топганмисан, мактабинг билан қўшмозор бўлгур! – холам жазаваси тутганча қулоғимни бураб, бошим, кўзим аралаш савалай кетди. – Ярамас, етимча – етти кўча! Бўри боласи ит бўлмас, дейдилар. Одамларнинг боласи уйга таҳиса, сен бўлсанг уйдан четга ташийсан. Яна мактаб ҳақида сўз оча кўр-чи, оёғингни синдириб, мактаб қанақа эканлигини кўрсатиб қўяман...»

Мен бақириб юборишдан ўзимни тийиб, миқ этмасдан туравердим. Кейин ўчоққа ўтин ташлаб, кулранг мушугимизни силаб, унсиз йиғлаганча кўз қиримни ташлаб, шумшайиб ўтиравердим... Мен холамнинг дўқ-пўписаларидан йиғлаганим йўқ, уларга аллақачон кўникиб қолган эдим, балки у энди мени ҳечам мактабга юбормай қўяди, деган хаёлда йиғлардим...»

Қисса аввалида қўштерак ҳақида рассомнинг хотиралари, гўзал тасвирлар бор. Китобни ўқиш асосида қўштеракка бот-бот дуч келасиз. Ниҳоят, бу икки дарахтни англайсиз. Ким, қай тариха экканини билгингиз келяптими? «Биринчи муаллим»ни ўқинг, бу жуда гўзал қисса.

Олтинойнинг кўпчилиқка етиб боришидан умидвор бўлиб рассомга битган мактабда шундай парча бор: «...янги мактабнинг очилиш маросимида барча иззат-икромлар менга эмас, балки бошқа бир табаррук инсонга қаратилиши ва фахрли ўринга мени эмас, балки уни ўтказиш керак эди, дея ўйлайман. Бунга аввало, овулимизнинг биринчи муаллими – қария Дуйшэн сазовор эди. Ваҳоланки, аксинча бўлиб чиқди.

...Меҳмонхонанинг балконида туриб, азим шаҳарнинг чарақлаб турган сонсиз-саноксиз чироқларига назар ташлар эканман, ўзимча овулга келган заҳотиёқ, муаллим билан учрашиб, унинг оппоқ соқолларидан ўпаман, дея хаёл сурардим...»

Бугун одамлар мўъжизаларга ишонмайдилар. Аслида мўъжизалар ён-атрофимизда, ҳар лаҳзада содир бўлиб туради. Офтоби тобора хиралашиб бораётган куз ҳам мўъжиза, ҳарфларни ҳижжалаб «от», «ана» деган сўзларни ўқиб, оламни англаш мўъжиза! Товушлардан, ҳарфлардан оламни англаш мўъжиза. Бу мўъжизани ўқитувчи яратади, биринчи муаллим яратади.

Агар мен ёзувчи бўлганимда энг яхши асаримни муаллимимга бағишлаган бўлар эдим. Ўқитувчиларга чексиз эҳтиромларим билан сизга «Биринчи муаллим» қиссасини ўқишни тавсия этаман. Ўқинг, қалбингиз ёғдуланади!



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ШАРАФЛИ ЙЎЛДАГИ ДАДИЛ ОДИМ

Бошқа соҳа вакилларида фарқли ўларок, ҳарбийларнинг хизмат фаолиятида машаққатли синовлар бисёр. Шундай бўлса-да, тинчлигимиз посбонлари бу йўлда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб, элу юрт манфаатига содиқ қолишдек мустаҳкам эътиқод билан олға интилади. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқув жараёни таъминлаш базаси взвод командири капитан Санжар Ўтаев ҳам Ватанимизнинг шундай садоқатли фарзандларидан бири. Унинг фидойилиги мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами арафасида муносиб эътироф этилди ва Президентимиз фармони билан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

СОҒИНЧНИНГ ҚИЁФАСИ

– Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Бойлата қишлоғи мен туғилиб ўсган, киндик қоним тўкилган, орзу-истакларимга эш бўлган гўша, – дейди капитан Санжар Ўтаев. – Ватан деганда, энг аввало кўз ўнгимда жонажон қишлоғим намён бўлади. Болалик билан боғлиқ ширин хотираларим жонланади. Ғам-ташвишсиз беғубор болалик барибир бошқача... Оиламиз катта эди: бобом, бувим, ота-онам ва биз – етти фарзанд. Ҳаммамиз кечқурун бир дастурхон атрофида жамулжам бўлардик. Кечки овқатдан сўнг оила катталари қизғин суҳбат қуришарди, биз, болалар эса кимдир китоб ўқишга тутинардик, яна кимдир ўйинга берилардик. Ажойиб дамлар эди-да. Бугун ўша кунларни кўп кўрсайман, соғинаман. Афсуски, бу соғинчнинг тафтини ҳеч нарса босолмас экан...

Дадам туманимиздаги 59-сонли умумтаълим мактабидан кўп йиллар директор бўлиб фаолият юритган. Онам ҳам ўқитувчи эди. Ота-онам айни вақтда нафақада: қарилик гаштини суришяпти. Улар биз, фарзандларнинг ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга замин яратган меҳридарё инсонлар. Дадам тарбиямизга жуда талабчан эди. Дарсларимизни назорат қилиб борарди. Онам эса ҳеч қачон бўш вақтимизнинг бесамар кетишига йўл қўймасди. Доим фойдали бирор юмуш билан банд қиларди ёки китоб ўқитарди. Эришаётган муваффақиятларимда китобнинг ўрни бекиёс. Бунинг учун ота-онамдан чексиз миннатдорман.

ШАКЛЛАНИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

– Болалигимда ҳарбий хизматдан қайтган йигитларни кўрсам, орзиқиб кетардим. Шунда «Мен ҳам катта бўлсам, армияга бораман», деб ният қилардим. Болалик орзулари ўткинчи бўлади, дейишади. Аксинча, менда



йиллар ўтган сари шарафли касбга бўлган меҳр янада алангалади. Мактабни тамомлаганимда ўз келажак мақсадимни белгилаб бўлгандим: ҳарбий хизматчи бўламан! Шундай қилиб муддатли ҳарбий хизматга отландим. Аскарликнинг илк кунни, Ватанга қасамёд тантанаси, эр йигитда жасорат, шижоат ва мардлик фазилатларини шакллантирадиган ўқув машғулотларида иштирок этиш... Ҳа, армия сафларида ўтган бир йил мен учун ҳақиқий шаклланиш мактаби бўлган. Армиядан қайтганимдан сўнг эса Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирдим.

Курсантлик – бу бутунлай бошқа ҳаёт, бошқа дунё. Уни умримнинг олтин даври, десам, муболаға бўлмайди. Ўқиб-ўрганишдан толмасдик. Олий ҳарбий таълим муассасасида биз ўз касбининг фидойиси бўлган устозлардан сабоқ олганмиз. Улардан билим олиш билан бирга касбни севишни, ҳарбий хизматчи учун керак бўлган сифатларни ўзлаштирганмиз. Ҳозир ҳам устозларимнинг ўғитлари ва сабоқларига таянаман.

ҲАЁТ ҚОНУНИ

– Инсон танлаган касбини қай даражада севса, уни мукамал эгаллашга, соҳада ўрин топишга, муносиб шогирдлар тайёрлашга ҳаракат қилади. Ана шунда эришажак ютуқлари ҳам юксак бўлади. «Яшайсанми, демак, ҳаракат қил, мақсадинг сари дадил одимла». Бу – менинг ҳаётдаги шиорим. Сиз қачонки ўз олдингизга мақсад қўйиб интилар экансиз, натижа албатта бўлади. Бу – ҳаётда исботланган ҳақиқат. Шундай экан, ўқиш, ўрганиш ва интилишдан асло толмаслик керак.

АГАР ҲАРБИЙ БЎЛМАГАНИДА...

– Агар ҳарбий бўлмаганимда... Йўқ буни тасаввур ҳам қилолмайман. Чунки бу ҳақда ҳечам ўйлаб кўрмаган эканман. Мана шу саволингиз болалигимда бобом билан бўлиб ўтган бир воқеани ёдимга солди. Кичкиналимда бобом иккимиз боғимизда ишлардик. Ўшанда, чамаси, етти ёш эдим. Етти яшар бола нимани ҳам англаши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Аммо ҳиммати баланд, яшашни яратиш деб билган доно қария бобонгиз бўлса, гўдак ёшингизда ҳам кўп нарсаларни англай оласиз. Бобом боғбон эди. У киши яратган боғларни жаннатга қиёслаш мумкин. Меваларнинг энг сархил навларини етиштирарди. Унга эргашиб юриш мен учун қанчалар завқли бўлса, бобом учун бундан-да кўпроқ ҳузурли бўлганлигини энди-энди юракдан ҳис қиляпман. Бир куни бобом менга мевали дарахтларни пайванд қилишни ўргатди. Илк марта гилосни хурмога ва иккита ҳар хил навли олмани бир-бирига пайвандладим. Вақт ўтиб, мен пайвандлаган мевали дарахтлар кўкариб, бўй чўзди. Бобомнинг хурсандлигини кўрсангиз эди. Мени бағрига босиб, «болам, сендан яхши боғбон чиқаркан», деган. Бобомнинг бу сўзлари гўёки «сен ҳарбий эмас, боғбон

бўласан», дегандай таъсир қилган. Шунда шоша-пиша: «Йўқ, бобо, ундай эмас, мен албатта, ҳарбий бўламан!», деганимни эслайман. У вақтларда касб билан ҳунарнинг фарқи бор-масдим-да.

БУРЧДОРЛИК ҲИССИ

– Инсон учун туғилиб ўсган юрти муқаддас. Шу боисдан ҳам унинг ҳар бир қарич ерини бебаҳо гавҳарга менга-зайди. Ўзбекистон – бизнинг муқаддас ва азиз Ватанимиз. Шу жаннатмакон ўлканинг тинчлиги ва осойишталигини асраш, уни келгуси авлодларга шундайлигича омон етказиш авлодлар олдидаги вазифа. Ватаннинг асл ўғлонлари қаторида шундай муқаддас вазифани адо этаётганимдан ва юрт ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор эканлигимдан фахрланаман!

МУКОФОТ – ЮТУҚЛАРГА ЙЎЛ

– Давлатимизнинг юксак мукофоти мени янги зафарларга руҳлантирди. Бундан буён ҳам ушбу мукофотга лойиқ бўлишга интиламан. Биламан, оралиқдаги масофа узоқ бўлса-да, ота-онам, яқинларим доим мен билан бирга. Ҳаётда эришган ҳар бир муваффақиятим уларни қувонтиришини ички сезгим билан ҳис қилиб тураман. Аввало, ота-онамнинг, Ватанимнинг ишончини оқлаганимдан бахтиёрман. То танда жоним бор экан, элим, юртим ҳимоясида, унинг тинчлиги, барқарорлиги йўлида хизмат қилишдан асло толмайман.

ТУРМУШ ЎРТОҒИ У ҲАҚДА

Биз фурсатдан фойдаланиб, Санжар Ўтаевнинг турмуш ўртоғи Маъмурахон билан телефон орқали суҳбатлашдик.

– Бир-биримизга елкадош бўлиб яшаб келяпмиз, – дейди Маъмурахон. – Турмуш ўртоғим фарзандларига меҳрибон инсон. Бир сўзи ва қатъиятли. Мен уларнинг бу хислатларини қадрлайман ва болаларимга ҳаммаша намуна қилиб кўрсатаман. Иккимизнинг фикримиз ҳар доим бир жойдан чиқади. Тақдиримга шундай инсон битилганидан хурсандман. Мана, аҳил-иноқликда икки нафар фарзандни вояга етказяпмиз. Болаларимиз – бизнинг энг катта бахтимиз. Илоҳим, уларнинг камолини кўриш насиб қилсин.

Лола ҲОЖИМУРОВА

САНА

Дунёда ўқитувчилик касбидан бошқа бирорта касб йўқки, уни улўғликда отага қиёс этсак. Устоз қанчалик хокисор, камсуқум бўлмасин, унинг авлодлар камоли йўлидаги хизмати шунчалик улўғ ва қадрлидир. У онамиздек меҳрибон, отамиздек ғамхўр, оғамиздек сўянчиқ. Бежиз уни қуёшга ўхшатишмайди. Устоз илм ва меҳр нурини ҳаммага бирдек таратади.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида сана муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди.

Билим юрти маданият марказида бўлиб ўтган шодиёнада жамоатчилик вакиллари, Чирчиқ шаҳридаги иқтидорли ёшлар, билим юрти шахсий таркиби ва элимиз ардоғидаги бир гуруҳ санъаткорлар иштирок этди. Тадбирда турли санъат асар-

лари намуналари ҳам тақдим этилди.

Тадбир аввалида давлатимиз мадҳияси янгради.

Шундан сўнг билим юрти бошлиғи полковник Фарҳод Ортиқов соҳада фидойиларча меҳнат қилиб келаётган устоз ва мураббийларни самимий табриқлади.

Курсантларга билим беришда ўрнатилган бўлиб келаётган бир қатор

ЎҚИТУВЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ



ўқитувчиларга мудофаа вазирининг эсдалик нишонлари ва қимматбаҳо совғалари берилди.

– Нафақага чиққанимда кўпроқ англр экансан: эътибор ҳамма нарсдан устун экан, – дейди истеъфодаги полковник Шавкат Бобоев. – Бугунги байрамга бизни ҳам тақлиф этишиб, жуда самимий ҳурмат кўр-

сатишди. Совға-саломлар беришди. Албатта, бу ҳозирги кунда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган Ватан ўғлонларининг ҳар жиҳатдан етук эканлигини кўрсатади.

Тадбир куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ

УЧРАШУВ

ЎЗИГА ХОС ҚУТЛОВ

Энг биринчи ўқитувчингизни ҳеч эслайсизми? Эҳтимол, илм бўстонида етаклаган ўша мўътабар зот исм-шарифи Хаёлдан кўтарилгандир, аммо у кишининг қиёфаси, меҳрли юзи доим ажиб илиқлик билан кўз олдимизда гавдаланади. Биринчи муаллим...



вакиллари ниҳоятда қувонтиргани шубҳасиз.

– Касбим билан фахрланаман, – дейди Қурбон Султонов. – Мендан миннатдор ота-оналар билан суҳбатлашсам, шогирдларимнинг ютуғини кўрсам, ўқитувчилик машаққатини унутаман. Мактабимиз битирувчилари бугун жамиятнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Кичик сержант Абдурауф Толибоев ҳам ўқувчиларимдан. Ўз касбининг устаси. Доим бизларни эслайди. Биламан, бўш вақти жуда кам. Шунга қарамай устозларига вақт ажратиши қувонарли. Барчаларига раҳмат.

Жиззах вилоятида туғилиб ўсган ва ҳозирда турли ҳарбий округларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ўзларининг илк устозларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан ўзига хос тарзда кутладилар. Собиқ ўқувчилар ва уларнинг муаллимлари учрашдилар. Сизнингча, учрашув қаерда ўтказилди? Мактабда, йўқ. У Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Тадбирнинг айнан шу жойда ўтказилиши бежизмас. Юзлаб ўқувчиларни тарбиялаган ва ҳамон ўқитаётган ўқитувчилар миллий армиямизда, хусусан, ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Айниқса, маънавий ва маърифат маркази, замонавий кутубхона ва машғулотлар хоналари таълим соҳаси

– Ўқувчиларимга кўпинча ўзим таълим берган ўғил-қизларни мисол келтираман, – дейди Оксана Яқовлева. – Ёшларга уларни ўрнак қиламан. Сабаби намуна орқали ҳам инсонни тарбиялаш ва қизиқтириш мумкин. Майор Евгений Устименко аълочи ўқувчиларимдан эди. Ҳозирда миллий армиямиз бўлинмаларида масъулиятли лавозимни эгаллаган. Бироқ орадан қанча вақт ўтмасин, у сингари йигитлар мен учун кадрдон ўқувчим бўлиб қолаверади.

Самимий учрашув, унутилмас экскурсия барча учун ажойиб таассуротларга бой бўлди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

ЭР ЙИГИТНИНГ АЙТАР СЎЗИ

Қуrolли Кучлар академияси ҳамда Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан пойтахтимизда жойлашган 22-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган йигитлар ва курсантлар ўртасида очиқ мулоқот ташкил этилди.



Тадбирни академия бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Даврон Усмонов очиб бериб, академия ҳақидаги маълумотлар билан ўртоқлашди.

Шу Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, ҳозирда академиянинг Умумқўшин факультети 4-босқичида ўқиётган курсант Билол Зиёдуллаев ҳам сўзга чиқди. У йиғилганларга таҳсил жараёнлари тўғрисида сўзлаб берди. «Укаларим, ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлсангиз, академия сизга эшикларини очади. Бунинг учун устозлар берган сабоқни кунт билан ўзлаштиринг. Меҳрибонлик уйида

эса сизга ҳамма шароитлар етарли. Ишонинг, китоб ўқиб, олға интилган инсон кам бўлмайди», деди курсант аудиторияга юзланиб.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи йигитлардан эллик нафарга яқини келажакда ҳарбий бўлишни мақсад қилган. Ўйлаймизки, улар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Тадбир давомида Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Энг яхши савол эгалари ва Меҳрибонлик уйига китоблар билан биргаликда эсдалик совғалар топширилди.

Санам НИШОНОВА

«ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ»

Қуrolли Кучлар давлат музейида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги шахсий таркиби иштирокида «Тил – миллат кўзгуси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Унда подполковник Ботир Қўзиев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси Зиёдулла Саъдуллаев, Тошкент шаҳар Ёшлар иттифоқи Кенгаши ҳарбий қисмларда бошланғич ташкилот фаолиятларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Улуғбек Фаттахов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – Ўктамоёв Холдоров ва Зилола Хўжайназарова қатнашди.

Тадбир доирасида мутахассислар томонидан маърузалар қилиниб, ёшлар маънавияти ва ўзбек тилининг аҳамияти ҳақида иштирокчиларга маълумотлар берилди. Қўмондонликнинг Хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусанованинг «Тил – миллат кўзгуси» мавзусидаги маърузаси ва Алишер Навоий, Лутфий асарларидан мисралар ўқиши тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Яқунда меҳмонларга қўмондонлик номидан эсдалик совғалар тақдим этилди.

Паризода ШУКУРУЛЛАЕВА

АЙЁМ ШУКУҲИ

УСТОЗИМ – СИЗ-ЛА НУРЛИ ИСТИҚБОЛИМ

Устозим – умримни ёритган зиё,
Нурли чехрангиздан нур олар дунё,
Сиз замин қуёши ёғдулар аро,
Бу кун зиёларнинг таъзими Сизга.

Устоз ҳақида сўз кетганда беихтиёр ўқувчилик, талабалик чоғларига қайтасиз. Хизмат фаолиятингиз давомида ҳам устозга суюнасиз, сабоқ оласиз, тажриба ошириб борасиз. Нафақат билим ва иқтидорда, балки ҳаёт синовларида ҳам устоз сизга беминнат маслаҳатгўй ва таянч бўла олади. Ҳа, ота-она ва устоз инсоннинг қад ростлаши учун берилган ҳаёт иноятидир. Шу сабаб, мамлакатимизда 1 октябрь санаси «Ўқитувчи ва мураббийлар кун» деб байрам сифатида белгиланганида катта маъно бор. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида «Сизга таъзим, азиз

устоз!» деб номланган байрамона тадбир ҳам азиз устозларга бағишланди.

Маънавий-маърифий тадбир академия тингловчилари учун савол-жавобларга бой ва қизиқарли кечди. Тадбирда истеъфодаги полковниклар Мусаллим Нуриддинов ва Алишер Қиличов иштирок этишди. Дастлаб сўз олган Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Даврон Усмонов ҳаётда ва ҳарбий соҳада устозларнинг ўрни, берган сабоқларининг беқиёслиги, уларнинг эҳтиром ва эъзозга лойиқлиги ҳақида сўз юритди.

Тадбир меҳмонлари ўз навбатида устозлари ҳақида тўхталиб, «Устоз-шогирд» анъанасининг давомийлиги, аҳамияти борасида фикрлар билдиришди. Тингловчиларнинг илтимосига кўра, курсантлик давридаги қизиқарли воқеалардан сўзлаб беришди.

Давра иштирокчилари устозларга бағишланган шеърлар билан тадбирга байрамона файз киритди. Академия қўмондонлиги томонидан устозларга ташаккурнома ва совғалар тақдим этилди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

СПОРТ

ҚЎМОНДОНЛИК БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида қўл жанги бўйича қўмондонлик биринчилиги мусобақаси ўтказилди.



бақанинг Мудофаа вазирлиги босқичига йўллангани қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳрида жойлашган қўшилма спортчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни Фарғона вилоятида жойлашган қўшилма жамоаси қўлга киритган бўлса, учинчи ўринга Навоий вилоятида жойлашган қўшилма жамоаси эгаллик қилди.

Ғолиблар диплом, кўчма кубок ва қўшинлар қўмондонининг эсдалик соати билан тақдирланди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни
қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги матбуот
хизмати бошлиғи**

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, шижоат у иродаси синаладиган мазкур мусобақа жами 8 та вазн тоифасида ўтказилди. Қизғин ва мурасиз баҳсларда тинимсиз машқлар ва йиллар давомида тўпланган тажриба ўз кучини кўрсатди.

Қўл жанги бўйича халқаро тоифадаги ҳакамлар ва олий тоифали мураббийлар томонидан ҳар бир баҳс холисона баҳолаб борилди. Асосий эътибор мусобақа шартларига тўлиқ риоя этилиб, референдинг кўрсатма ва талабларига амал қилиниши ҳамда ҳарбий хизматчилар томонидан қўл жанги усулларининг бехато бажарилишига қаратилди.

Якуний натижаларга кўра, яқкалик баҳсларда ўз маҳоратини кўрсатган лейтенант М. Махмудов, кичик сержант С. Ёқубов, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар – Б. Боқижонов, А. Юсуфбоев, Д. Қосимов, А. Умаров, Ш. Хушмуродов ва М. Бозоров ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллаш ҳамда мусо-



ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Спортнинг ўқ отиш тури тобора оммалашиб бормоқда. Ёшларни ушбу спорт турига жалб қилиш, шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш, мусобақалар ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўқ отиш федерацияси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.



Меморандум имзоландан кўзланган мақсад, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳамда ўқувчи ёшларнинг спортнинг ўқ отиш ва стенда отиш турлари билан кўпроқ шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш. Юқори натижа кўрсатган истиқболли ёшларни Ўзбекистон миллий терма жамоасига жалб этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

А. АХМЕДОВ

ЭЪТИРОФ

“ Эл бошига иш тушганда унга елкадош бўлган инсонлар хизмати ҳеч қачон унутилмайди. Жафокаш халқимиз бундай мард ва жасур инсонларини доимо эъзозлаб келган.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Сирдарё вилояти Сардоба туманида юзага келган техноген вазиятнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамда коронавирусга қарши курашишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳудудда юзага келган вазиятни бартараф этишда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бўлди. Билим юрти ҳарбий хизматчилари ҳам мана шу оғир кунларда ўша сафда эди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбийлари, шунингдек, кўринмас душман бўлмиш – коронавирусга қарши курашишда ҳам алоҳида ўрнатилган кўрсатишди. Бу ҳам тақдирлаш маросимида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

– Мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган ҳарбий хизматчилар орасида билим юртимиз вакилларининг ҳам борлиги барчамизни бирдек хурсанд қилади, – дейди билим юрти бошлиғи полковник Фарҳод Ортиқов. – Булар жамоамизнинг фахри, улар бошқаларга ҳам ўрнатилган бўлишга арзийди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ

МАРДЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



«УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИ

Икки авлод учрашуви

“ Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда 1 октябрь – Уқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Устоз-шогирд» анъанасини янада фаоллаштириш мақсадида фахрийлар иштирокида «Сизга таъзим, азиз ва муҳтарам устозлар!» мавзусида икки авлод учрашуви ўтказилди.



Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги фахрийлари кенгаши раиси захирадаги полковник Александр Харламов ҳамда ҳарбий қисм фахрийлари – Бахтиёр Аҳмедов, Икром Собиров, Зиёвиддин Кимсанов ва Ҳикмат Насритдинов тадбирнинг азиз меҳмонлари сифатида иштирок этишди.

Фахрийлар ҳарбий хизматчиларга ўзлари босиб ўтган йўл, ҳарбийликнинг масъулиятли ва шарафли касб эканлиги ҳақида гапириб, устозларча насихатлар беришди.

Майор Элёр БЕРДИЕВ

Халқаро тажрибалар ўрганилди

“ Қуролли Кучлар академиясида «Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий санъат, сабоқ ва хулосалар» мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

Анжуманнинг асосий мақсади Иккинчи жаҳон уруши йилларида олиб борилган жанговар ҳаракатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш, ҳарбий-назарий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда долзарб муаммоларни тадқиқ этиш кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Унда келтирилган далиллар, дунёда ва минтақамизда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият ва унинг мураккаблашуви анжуманнинг долзарб мавзуларидан бири бўлди. Шунингдек, тадбир давомида мавзу бўйича илмий асосланган таклифлар муҳокама қилинди, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, мудофаа тизими самарадорлигини ошириш каби янги режалар илгари сурилди.

Баҳс-мунозарага бой тарзда ўтган анжуман давомида курсантлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан фаол қатнашишди.

Шоҳсанам ЖУМАЕВА

«VATANPARVAR» MEҲМОНИ

Kuch – bilim va tafakkurda

Marifat

Xalq ziyolilari gazetasi



КАСБИМИЗНИНГ НОЗИКЛИГИ ШУНДАКИ...

1-синфга қабул қилинган болаларнинг айримлари дарсларни ўзлаштиришда қийналади. Бундай ҳолат, айниқса, нутқида бироз камчилиги бор, тез ҳаракат қилувчи, тенгдошлари билан дўстлаша олмайдиган, жанжалга мойиллиги бор болаларда кўп кузатилади.

Фаолиятим давомида шундай ўқувчилар билан кўп ишладим ва яхши натижага эришдим. Нутқида камчилиги бор ўқувчилар билан саводхонлик давридан муаммо бартараф этилгунга қадар мустақил иш олиб бораман. 1-синфга келган ўғил болада шундай ҳолат борлигини илк тайёрлов даврида сездим. У жуда тез сўзларди, ўрнидан туриб бошқаларга халақит берар, товуш ва бўғинларни хато талаффуз қиларди. Ҳатто, унинг сўзларига ҳам тушуниб бўлмасди.

Ўз олдимга шундай мақсад қўйдим: мен ўқитувчиман, ҳар бир ўқувчим яхши ўзлаштиришига масъулман. Шу

бола билан кўпроқ шуғулланиб, уни тенгдошларига етказиб оламан. Ҳар бир ҳарф, товушни ўрганишда овоз чиқариб талаффуз қилиши, биргаликда ўқиши, бошқа болалар унинг ўқишига кулмаслиги, аксинча, дўстона муносабатда бўлишини тайинладим. Бундай болалар бошқалардан оғзаки нутқи, ҳисоблаш малакаси, рангларни ажратиш ва шеър ёд олишга қийналиши, қолаверса, ўз-ўзини бошқара олмаслиги билан ҳам фарқланади.

Машғулотларда кўпроқ расмлар орқали фикрни жамлашга, 1 дан 10 гача сонларни рақамлаш, улар устида амаллар бажаришда ҳам расмлардан фойдаландим. Қушлар, ҳайвонлар, гуллар ва ўйинчоқлар тасвири ёрдамида кўшиш ва айиришни ўргатолдим. Масалан, $3+2=...$ 3 та гул бор эди, яна 2 та гул экдик. Нечта гул бўлди? 5 та деб ҳисоблай олди. Шу тариқа бола билан жиддий шуғуллана бошладим. Ўқувчиларни у билан дўст бўлиш,

бир-бирига ёрдам беришга ундадим. Оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш мақсадида кичик ҳикоя, эртақлар ўқиб, уни онгли тушунишига, эслаб қолиб, сўзлаб бериш ва ёздиришга ҳаракат қилдим.

Ўқувчим дарсдан ташқари машғулотларни уйда опаси билан бирга бажарадиган бўлди. Чунки боланинг ота-онаси доим ишда бўларди. У тез ҳушдан кетарди, хаёли доим паришон юрарди. Бу ҳолатларни мактабда мен, уйда опаси назорат қилардик. Кейинчалик ўқиш жараёни унга оғирлик қила бошлади. Тез-тез шифохонага тушиб, беш кунлаб дарс қолдира бошлади. Шифокори билан суҳбатлашганимда болада гипертоник талваса синдроми борлиги, уни яхшилаб даволаш зарурлигини айтди.

Ўқиш билан бирга даволана бошлади. Ҳозир у 3-синфда ўқияпти. Ўзлаштириши бошқа ўқувчилардай бўлмаса ҳам, ҳаракати бор. Нутқи анча

яхшиланди. Кайфиятининг ўзгариб туриши, нутқидаги камчилик ҳолатлари камайган. Ўқишга қизиқиши ортди. Тенгдошларидан ортада қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Шу ўқувчининг ўзлаштириши, одоби яхшиланса, атрофдагилар билан дўстона муносабатга кириша олса ва бундан ота-онасининг кўнгли нурга тўлса, мен ўз вазифамни бажарган бўламан. Бир инсонни тўғри йўлга бошлаш, ҳаётга қарашларини ўзгартириш муаллимлик касбининг нозик томонларидан бири эканини англадим.

46 йилдан буён бошланғич синфларга билим бераман. Ҳар гал ўқувчиларим ортидан раҳмат эшитсам ёки айтиб ўтганимдай бирор ўқувчимни билим олишга рағбатлантира олсам, касбимга бўлган меҳрим янада ортади. Жамиятга фойда келтираётганимдан қувонаман.

Мопаp ҲАЙДАРОВА,
Шеробод туманидаги 60-сонли
умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Болангизни аяманг!

Тараққиётнинг юқори чўққисига чиқиб бораётган дунёнинг кўп мамлакатларида тарбия масаласи энг муҳим муаммолардан бирига айланмоқда.

Оилада тўққиз фарзанд бўлганмиз. Ҳозир йўлаб қарасам, биз учун тарбия воситаси меҳнат бўлган экан. Негаки, ота-онамиз эрталаб кетиб, кеч тушганда уйга қайтишар, биз, фарзандлар уларнинг ҳурматларини жойига қўйиб, ҳар кун биттамыз навбат билан ота-онамизни кутиб олардик. Ҳар биримизнинг кунлик ишимиз адолат билан ёшимиз ва кучимизга қараб тақсимланган эди. Акам учун солинган иморатнинг ғиштию лойигача ўзимиз қилганмиз. Ўшанда берилган меҳнат тарбияси бизни халқ ичига олиб кирди. Ота-онамиз биз, фарзандларнинг ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун шу йўлни тутган эканлар.

Бугун ота-оналар фарзанди учун ҳамма шароитни яратиб қўйган. Боласининг қўли совуқ сувга тегишини истамайди. Б о л а г а ҳар қанча кучли таълим берсангиз ҳам, меҳнат воситасида синдириладиган тарбиянинг ўз ўрни борлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам юсак тараққий этган Япония мактабларида ўқувчилар синфхоналарини ўзлари тозалашга, мактаб ошхонасида ҳам ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатилади. Маълум бўлишича, япон мактабларида фаррошларга кам иш юклатилади. Тозалик, ободонлаштириш ишларидан ҳеч бир ўқувчи ва унинг ота-онаси бўйин товламайди. Афсуски, бизда бунинг акси. Ўқитувчи ўқувчисини салгина ортиқча ишлатиб қўйса, ойлаб мактабга қадам босмайдиган ота ёки она эртасигаёқ муаллимни «жавобгарликка тортишга» келади. Бир йўлаб кўрайлиг-а, фарзандингиз уйда ер чопмайди, ҳовли супурмайди, қўй-мол боқмайди, экин экмайди (кўп қаватли уйда яшайдиганлар), ҳеч бўлмаса ободонлаштириш ишларини мактабда ўрганиши фойдадан холи эмасми? Қадрли ота-оналаримиз қани энди шулар ҳақида ҳам бош қотириб кўришса, деб кўп ўйлайман. Ахир ота-она бутун умр фарзандига ҳамма нарсани муҳайё қилиб бера олмайди, шу сабаб ҳам улар меҳнатни қанча эрта ўргана бошлашса, шунча яхши. Қолаверса, инсон меҳнат билан ҳаётнинг қадрига теранроқ етади. Ҳар бир эришган нарсасининг қийматини баланд қўйишни ўрганади. Фарзандларимизга ана шундай имкониятларни тухфа этиш учун уларни аямайлик, меҳнат билан тарбия қилайлик.

Дилноз ЭРГАШЕВА,
Қоракўл туманидаги 15-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси

КУТИЛГАН МЕҲР

Мактабга ишга кирганимнинг иккинчи йили 5-синф раҳбарлигини беришди. Хурсанд бўлдим, уларни худди ука-сингилларимдек (чунки ҳали ёш эдим) кўрдим, меҳр қўйдим, ҳамма нарсдан ҳимояладим, яхши тарбиялашга ҳаракат қилдим, керагида қаттиққўл, керак пайти меҳрибон бўлдим. Ўқувчиларим ва уларнинг ота-оналарининг менга билдираётган муносабатидан англари-димки, улар мендан рози эди.

Бир куни...

Ўқувчим Алишернинг онаси оғир касалликка чалинганлиги ҳақида эшитдим. Саратон экан. Ёш эдим, «бориб хабар ол», деб ҳеч ким маслаҳат ҳам бермабди. Алишернинг ўзи ҳам бирон кун мактабга келмай қолгани йўқ, шунинг учунми, онасидан хабар олиш хаёлимга келмабди. Бир куни дарс пайти синф эшиги тақиллаб, илмий бўлим мудир хабар берди: «Ўқувчингизнинг онаси бўлмабди, астагина қақриб уйига жавоб бериб юборинг, лекин айтманг, шу ердан йиғлаб кетмасин». Саросимага тушиб қолдим. «Қандай жавоб берсам экан?!»

– Алишержон, сумкангни олиб ташқарига чиқ, – дедим жиддий қиёфада, худдики, уни бирон ишга жўнатадигандек тасаввур қолдириш учун. Ташқарига чиққанидан кейин мулоимлик билан: «Алишер ҳозир уйингга бор...» дедим. Кўзларида сезилар-сезилмас ёш қалқиган, қизарган, киприklarини тез-тез пир-пиратар, нима қилишини билмасди (аслида у ташқарига қақирганимдаёқ сезган экан). Бағримга босгим, бошларини силагим келди, аммо ҳеч бирини қилолмадим, уни овутишни удалолмадим. – ...Онанг оғирлашиб қолибди, бор ёнида бўл, – дея олдим, холос. У учиб уйига шошилмади, негадир кўзларини пирпиратиб туриб қолди, мендан бир нажот, далда кутди. Унга меҳр керак эди, аммо ўша пайт ҳали ўзим ҳам боладек эканлигим панд берди. Унинг кутганини беролмадим.

У кетди ва бир неча кундан кейин умуман бошқа одам бўлиб қайтиб келди. Ўшандан кейин кўзларида менга нисбатан ҳеч қандай туйғуни кўрмадим. На ҳурмат, на нафрат. Ҳозиргача ўша куни ҳиссиётларимни жиловлаганимдан афсус чекаман.

Яқинда бир ўқитувчининг гапларини эшитиб қолдим:

– Менга фақат шундай синфлар тушиб қолади, ўқувчиларнинг бири камбағал, бошқаси безори... Ёки яхши синфларни оладиган ўқитувчилар директор ўринбосарига у-бу нарс беришадими?

Мен эса бу ўқитувчининг мана, бир неча йилдирки, ҳали бирор синф ўқувчиларининг ҳурматини қозона олганини ўйладим ва дедим:

– Улар ҳам энг яхши, тарбияли синфга айланиши ва сиз улар учун энг қадрли устозга айланишингиз мумкин, фақат ўзингиз олдин энг ҚИММАТли нарсани уларга бера олишингиз керак, азизим!

Аммо у тушундимки, йўқми, билмадим.

Гулбаҳор БЕРДИЕВА,
Китоб туманидаги 16-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси

МАЛАКА ОШИРИШ

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН 72 СОАТЛИК КУРС

“ Ўзбекистон халқаро Ислон академияси ҳузуридаги малака ошириш марказида Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш асослари йўналишида таҳсил олишмоқда.



Ҳарбий хизматчилар малакасини ошириш курсининг мақсади уларда маънавий-маърифий фаолиятда ахлоқий-тарбиявий, диний-маърифий жараёнларни юксак даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган билим, кўникма ва мала-

каларини мунтазам янгилаш, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Тингловчилар дунёда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар, экстремизм, терроризм каби таҳдидлар билан умумэтироф этилган диний қарашлар ўртасидаги фарқни билиши, жамоа бўлиб ишлаш, вақтдан унумли фойдаланиш, ходимлар ўртасида коммуникативлик усулларида фойдалана олиш малакаларига эга бўлиши курснинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Малака ошириш курси 72 соатни ташкил этади. Ишлаб чиқилган модулларни ўқитишда соҳага оид дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари ва уларнинг электрон версияларидан ҳамда бошқа ресурслардан фойдаланилади. Машгулотлар маъруза, амалий-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш орқали бойитилади.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

ҲУҚУҚ

Ҳамкорлик доирасида эзгу ишлар

“ Ҳарбий прокуратура органи томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини амалда таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасидаги кенг қўлламли тадбирлар жадал давом эттирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида 300 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар оила аъзолари, Қуролли Кучлар пенсионерлари ҳамда уюшмаган ёшлар учун оммавий сайёр қабул, шунингдек, бўш иш ўринлари ва китоб ярмаркалари ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди вакиллари иштирок этди.

Оммавий сайёр қабул жараёнида фуқаролар муружаатлари давлат ташкилотлари мутахассис-



лари томонидан бевосита тингланди ва уларнинг аксариятини жойида ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди, мuddат талаб этадиганлари эса назоратга олинган ҳолда тааллуқли ташкилотларга юборилди.

Меҳнат ярмаркасида тадбиркорлар уюшмаси, қатор корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзларида мавжуд жами 400 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди ва кўплаб қатнашчиларга ишга жойлашиш бўйича тегишли йўлланмалар ҳамда меҳнат қонунчилиги борасида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Китоб ярмаркаси ҳам қизиқарли ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари кўргазмаси билан китобхоналарга манзур бўлди.

Тадбир якунида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари иштирокида тасвирий санъат бўйича кўрик-танлов ўтказилди ва ғолибларга эсдалик совғалар топширилди.

Шунингдек, Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ходимлари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти масъул офицерлари ва Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзандлар тарбиясида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар хусусида тушунтиришлар берилиб, ажримларнинг олдини олиш ҳамда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Адлия майори Алишер ҚУРБОНОВ,
Республика Ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси

ПОЧЕСТЬ

ПОМНИМ И ЧТИМ ВЕТЕРАНА

Ветеран Второй мировой войны и участник войны в Афганистане, генерал-майор в отставке Абдулладжон Артикбаев за полвека службы изъездил полмира и не раз рисковал жизнью ради защиты Родины.



фото автора

Все меньше остается живых свидетелей войны, боровшихся с фашизмом и принесших своим детям, внукам и правнукам мир и спокойствие. Тем ценнее воспоминания каждого солдата и офицера, прошедшего путь от Москвы до Берлина.

Генерал-майору в отставке Абдулладжону Артикбаеву исполнилось 95 лет. В честь этого знаменательного события, поздравить аксакала пришли офицеры Министерства обороны Республики Узбекистан, курсанты Академии Вооруженных Сил. От имени всего личного состава Министерства обороны ветерану вручили ценные подарки, а также прочитали поздравительную открытку.

Беседа с ветераном, не трудно было заметить, что память у участника Второй мировой войны отличная, он помнит все о войне.

Когда грянула Вторая мировая, Абдуллажону было всего 17. Военную службу он начал в 368-м Краснознаменном Самаркандском полку Туркестанского военного округа, а затем был отправлен в Ташкентское военное училище (ныне Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан).

– В конце 1942 года меня вызвали в военкомат, – говорит ветеран. – На фронте не хватало бойцов и офицеров. Готовы были отправлять даже людей без образования. Но я в случае необходимости вполне мог отправиться на передовую. В 17 лет я был очень силен, не отставал в кроссе, хорошо стрелял и выполнял все нормативы. Однако мне дали возможность продолжить обучение в военном училище, – вспоминает ветеран.

За малые три месяца, проведенные на полях сражений Второй мировой войны, он успел постичь весь ужас страшной человеческой катастрофы, в которой погибли десятки миллионов людей.

По словам офицера, служба в суровых краях была не из легких. Сложные климатические условия, разреженный горный воздух, нехватка свежих фруктов и овощей, провоцировавшая цингу у солдат – все это, безусловно, требовало выносливости, выдержки и твердости характера.

Абдулладжон Артикбаев прилагал все усилия в рамках своих полномочий, чтобы улучшить условия военной службы своих подчиненных. Он объединял активистов, внедрял новые методы управления личным составом, налаживал систему снабжения воинских частей.

По словам его супруги, прожившей с ним бок-о-бок более 70 лет, за долгую службу мужа более 20 раз назначали на различные должности, и семье постоянно приходилось переезжать.

Несмотря на все невзгоды и прожитое, она с гордостью показывает парадный китель супруга. А орденов и медалей на нем более 60. Носить их все сразу в силу возраста ветерану тяжело, поэтому для торжественных случаев оставляет только самые значимые.

В конце хотелось бы пожелать ветерану долгой жизни, крепкого здоровья, и оставаться достойным примером для молодежи.

Ч. РАИМБЕРДИЕВ

АНЖУМАН

ЁШЛАРГА ОИД ИСПОХОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қуролли Кучлар академиясида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ва Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда онлайн конференция ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари полковник Хусан Ботиров ва академия бошлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Даврон Усмонов мамлакатимизда эртанги кунимизнинг мустақам пойдевори ва умид-ишончи бўлган ёш авлодни қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар комиссияси раиси Абдулла Асланов янги тузилган агентликнинг мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича маълумот берди. Жумладан, ҳозирги вақтда бу йўналишда жами йигирма бир давлатнинг тажрибаси ўрганиб чиқилганини алоҳида таъкидлади. Мудофаа вазирлиги ҳамда Ёшлар агентлиги билан ҳамкорликда илгари



сурилган «Армия ва ёшлар» лойиҳаси борасида янги ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

– Агентликнинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир таклифни муҳокамага қўйишдан аввал имконияти чекланган ёшлар учун алоҳида брайл ёзувда тақдим этилиб, уларнинг фикрлари ҳам инobatга олинади. Бундан ташқари уларнинг илм олиб, касб-хунар

эгаллаши учун бир қатор қулайликлар яратилган, – дейди Ёшларга оид қонунчилик ташаббуслари ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўлими бошлиғи Акмал Алимов.

Маъруза давомида курсантлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бир қаторда, ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Шоҳсанам НИШОНОВА

ЖАРАЁН

Ўзаро дўстлик ришталари

Қуролли Кучлар академиясида Корея Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган кун муносабати билан семинар бўлиб ўтди.



Унда Қуролли Кучлар академиясининг профессор-ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилар қатнашди. Корея Республикаси ҳарбий атташеси Пан Ан Со томонидан Корея Республикасининг мудофаа тизими, ҳарбий-таъминот базаси, жанговар ҳарбий техникалари бўйича тақдимоти қўйиб берилди.

– Ўзбекистон билан Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Тарихдан маълумки, мамлакатларимиз Буюк Ипак йўли даврларидан бошлаб ўзаро борди-келди қилган. Ўзбек ва корей халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаган. Ўзбекистон Жанубий Кореянинг ишончли ва устувор шеригидир. Пандемия даврида ҳам бу яққол сезилди, – деди Корея Республикаси ҳарбий атташеси Пан Ан Со

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан тегишли жавоблар олишди.

Иштирокчилар Меҳрибонлик уйида тарбияланиб ўқишга қабул қилинган курсантлар ва хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишди.

А. ЖОЛДАСБАЕВА

Устозлар доим эъзозда

Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ёшлар иттифоқи Зангиота тумани бўлими ҳамкорлигида тумандаги алоқачилар ҳарбий қисмида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нуриддин Алимжонов, Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи ҳамда ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар халқимизнинг устоз ва ўқитувчиларга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромини, ўқитувчиларнинг машаққатли касби ва фидойилиги таҳсинга сазоворлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Меҳмонлар Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ўқув биноси, ҳарбий қисмдаги музей ва кутубхона ҳамда ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасининг «Импульс» ҳарбий ансамбли жамоаси томонидан тақдим этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

А. МАХСЕТБАЙ қизи

Ҳарбий таълимда инновациялар

Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида «Ҳарбий-педагогик фаолиятда инновациялар» мавзусида республика онлайн илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.



Унда ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

– Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу билимсизликдир, – дейди Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти кафедра мудири Ш. Акрамова. – Конференциядаги маърузам ҳам «Олий ҳарбий таълим муассасаларида «Soft Skill»ни қўллашнинг имкониятлари мавзусида бўлиб, ҳарбий таълимда янги инновацияларни жорий этишдан иборат.

Конференция иштирокчилари ҳарбий педагогик фаолиятга инновацион ёндашувлар асосида ҳарбий кадрларни тайёрлаш жараёни, бўлажак офицерларнинг касбий фаолиятга мослашувида ҳарбий педагогиканинг ўрни, ҳарбий педагогик фаолиятининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш бўйича ўзларининг таклиф ва тавсияларини берди.

А. ЖАНИБЕКОВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



«ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ ЭНГ БУЮК ҚАДРИЯТИ»

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг 31 йиллиги ва «Ўзбек тили байрами куни» муносабати билан ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ижодкорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти «Тил – миллатнинг энг буюк қадрияти» деб номланган танлов эълон қилади.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳарбий хизматчилар, фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида ўзбек тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур, чуқур эҳтиром ҳиссини тарбиялаш, муштарийларда миллатсеварлик, ватанпарварлик, олийжаноблик туйғуларини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзбек тилини ўрганиш, билим олишга бўлган интилишларни рағбатлантиришдан иборат.

«Тил – миллатнинг энг буюк қадрияти» танловида эълон қилинган саволларга берилган жавоблар қоғоз ва электрон шаклда қабул қилинади.

Танлов учун эълон қилинган саволлар жавоблари 2020 йилнинг 3 октябидан 2020 йилнинг 17 октябигача «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти манзили – 100164, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй; электрон манзил: vatanparvar09@mail.ru га ёки **90-968-62-08** телеграм каналига йўлланади.

Мурожаат учун телефонлар: 71-260-36-50, 71-260-32-57.

Танловга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллиф паспорти (*шахсини тасдиқловчи ҳужжат*) нусхаси;

муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари;

муаллифнинг хизмат (*иш*) жойи.

Тақдим этилган жавоблар «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти ижодий ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

Мукофотлар:

- 1-ўрин (1 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баробари, китоб ва диплом;
- 2-ўрин (2 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баробари, китоб ва диплом;
- 3-ўрин (3 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробари, китоб ва диплом.

Танлов натижалари «Vatanparvar» газетаси ва сайтида ҳамда tudofaa.uz сайтининг телеграм каналида эълон қилинади. Ғолиб ва совриндорларга мукофотлар 2020 йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни тантанали равишда топширилади.



Ўзбек тилининг тарқалиши ва шевалари

- 1 Ўзбек тили қайси тил гуруҳига мансуб?
- 2 «Чигит» сўзи қайси вилоят шеваларидан олинди, ўзбек адабий тилига киритилган?
- 3 Ўзбек тилида бугунги кунда нечта ёзув тизимидан фойдаланилади?
- 4 Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг биринчи версияси қайси лаҳжага асосланган эди?
- 5 Ўзбек тилига қўшни тиллар ичида қайсилари унга қариндош эмас?
- 6 Ўзбек тили Ўзбекистондан ташқари, яна қаерда расмий мақомга эга?
- 7 Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари Ўзбекистоннинг қайси минтақаларида тарқалган?
- 8 Ўзбекистон ўзбек тилида гапирувчи аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда қайси давлат туради? Учинчи ўринда-чи?
- 9 Хитойда ўзбек тилининг қайси лаҳжаси тарқалган?
- 10 Хитойлик ўзбеклар бу давлатнинг қайси шаҳарларида гуруҳ бўлиб яшайди?
- 11 Ўзбеклар Афғонистоннинг қайси минтақаларида гуруҳ бўлиб яшайди?
- 12 Ўзбек тилида нечта лаҳжа мавжуд?
- 13 Ўзбек тилида балиқчилик терминологиясини яратишда асосан қайси вилоят шевалари материалларидан фойдаланилган?
- 14 1940 йил 8 май куни ўзбек тили тарихида қандай муҳим воқеа рўй берган?
- 15 Ўзбек тилининг яқин аждоди бўлмиш тил қандай номланади?

ТРЕНИНГ

“ Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлигига қарашли Хонобод кўрғонида жойлашган ҳарбий қисмларда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси мутахассислари томонидан инсон онгини ривожлантириш ва руҳий барқарорлаштиришга қаратилган ижтимоий-психологик тадбирлар ўтказилди.

Дастлаб Ватанимиз ҳимоячилари билан ўтказилган давра суҳбатида ҳарбий хизматчи шахсининг психологик ҳолатлари, уларни жанговар хизмат фаолиятига руҳий тайёрлаш, тушкунлик вазиятларидан чиқиш йўллари тўғрисида маърузалар тингланди. Командирлик лавозимларида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар билан «Шахсий таркибни бошқаришда психологик таъсир этиш усулларини қўллаш» мавзусида ўтказилган амалий машғулотда юрт ҳимоячиларига шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳамда ҳарбий жамоаларни бошқаришда қўл келадиган бошқарув психологиясига

РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ



оид амалий йўриқномалар, уларда оғувчан, салбий ҳулқ-атвор намоен бўлишининг сабаб ва омиллари, мазкур ҳолатларнинг олдини олиш бўйича фойдали маълумотлар берилди.

Психологик тренинг машғулотида ҳарбий хизматчилар шахсини баркамоллаштириш ва руҳий чиниқтириш, турли низоли вазиятларни тушуна олиш ва таҳлил қилишга ўргатиш, уларда мулоқотга киришувчанлик сифатларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хонобод кўрғонидаги ҳарбий шаҳарчада ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун ташкил этил-

ган маънавий-маърифий тадбирда иштирокчиларга оилавий барқарорликни таъминлаш ва фарзандлар тарбиясига оид зарур тавсиялар берилди. Ҳарбий хизматчилар фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва психологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳудудда жойлашган мактабда ўқувчилар билан қизиқарли психологик тренинглар, ташхис методикалари олиб борилди ҳамда натижалари юзасидан ўқитувчилар, ота-оналарга тавсия ва маслаҳатлар берилди.

«Жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни экспресс ўрганиш» методикаси ёрдамида бўлинмаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва шахслараро муносабат, умумжамоавий қадриятлар шаклланиши, бўлинмаларда психологик муҳит барқарор экани маълум бўлди.

Тадбирлар сўнггида ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчиларининг мурожаатига кўра, уларга яқка тартибдаги психологик консультациялар берилди.

Катта лейтенант Ўктам ОЧИЛОВ,
Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ижтимоий-психологик тадқиқотлар бўлими катта офицери

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМ

(воқеий ҳикоя)

– Қизим, оёғим совқотяпти. Тун бўйи отасининг олдида бедор ўтирган Раҳима Қодир аканинг беҳол пичирлашидан сергак тортиди.

– Дадажон, оёғим совқотяпти, дейсизми, уй иссиқ, оёғингизга икки қаватдан жун пайпоқ кийгизганман, нега совқотади? – отаси устидаги кўрпани қайтадан астойдил ўраб-чирмашга тушди у.


– Бутун оёғим эмас, кесилган оёғимнинг панжалари совқотяпти. Раҳима «йўқ оёғингизнинг панжалари қандай совқотиши мумкин», деб сўрамоқчи бўлди-ю, кимдандир эшитган гапи эсига тушди. Айтишларича, инсоннинг тана аъзоларидан бири кесиб ташланса, ундаги руҳ одам билан бирга қоларкан. «Бу бош мия билан боғлиқ ҳолат бўлса керак», хаёлидан ўтказди, отасига қандай таскин беришни билолмай жим қолди.

Қодир аканинг хаёли эса жанг-гоҳларга боғланди. Ҳар доим шундай, кесилган оёғи билан боғлиқ муаммо юзага чиқди дегунча, жанг майдонларида кечган қонли кечинмалар дилини банд этаверади, кўксини ўртайверади.

Қодир ака уруш бошланганда қишлоғидаги мактабда муаллимлик қиларди. Аммо отаси ҳибсга олинган, уларнинг оиласига қаттиқ тазйиқ ўтказила бошланди. Шу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Йигитча ва унинг акаси биринчилардан бўлиб фронтга юборилди. Отахоннинг кўз олдида беихтиёр ўша даврлар гавдаланди: «Ён-атрофни йиғи-сиғи, мунгли нола эгаллаган. Кимдир ёлғиз ўғлини бағридан қўйиб юборишни истамай фарёд қилса, кимдир боласининг орқасидан ерга мук тушганча, урушга лаънат ўқийди. Ҳомиладор келинчак эса ҳушини йўқотган. Ана, замон жабридан қадди эгилган, эрининг айрилигидан бағри куйган онаизори юзини юваётган шашқатор ёш ила жигарбандларни урушга кузатяпти. Сунган тоғларисиз у қандай яшайди энди, қандай? Болалари чимилдиқ кўрганда ҳам майли эди...

Фронтда ака-укалар икки томон кетди. Қодиржон хизмат қилаётган пиёда қўшинлар қисми бир қатор шаҳар ва қишлоқларни ташлаб, Сталинградга қадар чекинди. Қўшинларимиз учун таҳликали онлар бошланганди. Қодиржон Сталинград жанги авжига чиққан кунларда фронтнинг олдинги чизиғида, шаҳарни мардона ҳимоя қилаётганлар сафида бўлди.

1942 йилнинг декабри. Тонг саҳарда бир соатча давом этган артиллерия ҳаракатидан сўнг уларнинг полки зангга кирди. Оёқларига пийма, эгнига пўстин, унинг устидан оқ сурпдан ниқоб либос кийган аскарлар оппоқ қор устида эмаклаб, душман хандақларини ишғол қилиш учун интилди. Ҳар лаҳза ғанимат, фашистлар уларни англаб қолгудек бўлса...



Шундай бўлди ҳам. Душман миномётлари кўққисдан уларни ўққа тутта бошлади. Қодиржоннинг ёнгинасида портлаган снаряд икки қуролдошни ҳалок қилди, у мўъжиза туфайли омон қолди. Аммо ўнг оёғига киррала бир нарса зарб билан урилгандек бўлди. Бироқ бунга ортиқча эътибор бермади, эмаклашда давом этди. Айни дамда уни дўстлари учун қасос олиш истагидан ҳеч нарса қайтара олмасди. «Аблаҳлар, разиллар, сенларнинг уруғингни қуритмагунча курашаман, ўлмайман...» Ҳатто командирининг буйруғи ҳам қулоғига кирмасди:

– Маҳмудов! Оёғингдан қон оқяпти, орқангга қайт! Маҳмудов эшитяпсанми?

– Оёғим...

У шундагина ачиша бошлаган оёғига разм солди. Снаряд парчаси сабаб оёғидан оқаётган қон оппоқ қорга сингиб борарди.

– Йўқ, мен ҳали жанг қилишим керак.

– Маҳмудов, жангларда кўп қаҳрамонлик кўрсатдинг, ўнлаб фашистни ер тишлатдинг. Жангни давом эттиришни истасанг, соғлиғинг ҳақида ўйла, ҳозирок орқага қайт!

Қодиржон командирининг буйруғига бўйсунди. Бироздан сўнг кучли оғриқ бошланди. Тунда фельдшерлар уни тинмай ўқ ёғилиб турган Волга дарёсидан солда олиб ўтишди. Автомашинада узоқ йўл юриб, темир йўл бекатига олиб келишди. Ярадорларни у ердан ҳарбий эшелонга ортиб, Саратов шаҳри марказидаги госпиталга етказишди.

Ҳарбий шифохона ярадорлар билан тўлиб-тошган, аҳволи оғирлар кўп, оҳ-воҳлар тинмайди. Шунда қўлидан яраланган татар йигит Қодиржонга яқинлашди.

– Аҳволинг яхши эмасга ўхшайди, ошна, оёғингдан ўқ ебсан-да?
– Ҳа, газандалар...
– Қаттиқ оғрияптими?
– Жуда.
– Унда сенга бир маслаҳат, қардош. Ҳализамон сени ҳам «қушхона»га олиб киришади. Агар жарроҳ оёғингни кесамиз, деса, кўнма.

Улар кесамиз деяверади. Бир оёқда яшаш осон эмас... Уйланганмисан?

– Йўқ.

– Ана, буюғи ҳам бор. Хотининг бўлганда ҳам майли эди. Бир оёқли дардисарга қайси қизнинг кўзи учиб турибди...

Шунда Қодиржоннинг кўз олдида олис қишлоғи, ғамнок онаизори, укалари келди. «Отаси қамоқда, Ленинград frontiда жанг қилаётган акасида икки марта хат келганча, дом-дараксиз. Қишлоқларда очарчилик бошланган. Укалари ҳали ёш. Онаси уларни минг бир машаққат ила ҳам ота, ҳам она бўлиб вояга етказяпти. Агар у бир оёқда кириб борса... Йўқ, нима бўлса ҳам оёғини кестирмайди, асло кестирмайди».

Татар йигитнинг гапи тўғри чиқди. Унинг оёғини кўздан кечирган жарроҳ кесишга қарор қилди. Ёнидаги ҳамшираларга тайёргарлик кўришни буюрди. Шунда Қодиржон ётган жойидан қандай қилиб туриб кетганини билмай қолди.

– Йўқ, оёғимни кесманглар, ҳали ёшман, ҳар қандай даволанишга чидайман. Фақат оёғимдан айирманглар.

– Ўғлим, қайсарлик қилма, йўқса бир умрга қийналасан, азобда яшайсан. Оёғингни асл ҳолига келтириб бўлмайди.

– Майли, нима бўлса ҳам кесманглар...

Қодиржон оиласи бағрига икки оёқда, фақат қўлтиқтаёқда кириб борди. Урушда бир қатор жасорат кўрсатган қаҳрамон йигит ўқитувчилик касбини давом эттиришни истади. Туман маориф бўлими мудирига учради. Аммо...

– Афсуски, илтимосингизни бажара олмаймиз.

– Нима учун?

– Отангиз қамалган экан...

Қалбида касбига бўлган муҳаб-

бати оловланиб турган ногирон йигит ноилож колхозда ишлай бошлади. Бироқ ўксик ва алам кўксини доим ўртаб турарди: «Мен ўқитувчиман ахир, ўқитувчи, ёқтирган касбимиз қандай яшайман, қандай?»

Маълум вақт ўтиб, қишлоғидан анча олисдаги, тўғрироғи, кўздан йироқ тўлиқсиз ўрта мактабга бориб муаллимлик қила бошлади. Уй, оила, қариндош-уруғлари анча узоқда. Ёғин-сочинли кунларда ногирон оёқ билан ҳаракат қилишнинг ўзи бўлмайди. Лекин болаларга илм бераётгани учун қалби хотиржам, узоқ жойга қатнаб ишлашдан чарчамайди, нолимайди. Мактабга бориш йўлини Чирчиқ дарёси кесиби ўтган. Қишда сув камайган пайтлари йўлни қисқартириш учун дарёдан кечиб ўтарди. Шунинг учун овчиларнинг қўнжи баланд резина этигини сотиб олганди...

Орадан беш йил ўтиб, қишлоғидаги мактаб директори уни кутилмаганда ҳузурига таклиф қилди.

– Бошқа жойда ишлаганингиз етар, энди қишлоғимиздаги болаларга дарс беринг. Сиз каби тажрибали ўқитувчилар бизга керак.

– Раҳмат, лекин... Сизга гап тегишидан кўрқаман, мени деб...

– Хижолат бўлманг, буюғига ўзим жавоб бераман.

Думалоқ хатлар, камситишлар... Яна ҳаммаси қайтадан бошланди.

– Нега отаси қамалган одамнинг ўғли мактабда ўқитувчилик қияпти, нега ишга олдингиз? Нега кўрсатмага хилоф иш қиялпсиз? Балки сиз ҳам...

Тегишли жойда мактаб директорини обдан сўроқ қилишди. Бироқ у ҳам бўш келмади.

– Маҳмудов каби малакали педагоглар жуда кам. Кейин ота учун бола жавоб бермайди. У фронтда фашистлар билан жанг қилиб қаҳрамонлик кўрсатган, ногирон бўлиб қайтган. Ўқитувчилар етишмай турган бир пайтда шундай билимдон, фидойи муаллимни нима учун ишга олмаслигимиз керак...

– Майли, бу одам ўқув йили тугаунга қадар ишлаб турсин. Аммо ўрнига одам топилгач, албатта, ишдан бўшатасиз. Йўқса, шикоятчилар эртага менинг устимдан ёзишни бошлайди...

Қодир ака барча камситишларга чидади, чекинмади, касбини ташламади. Билимдонлиги, фидойилиги, яратувчанлиги сабаб, азиз устозлар сафида бўлди. Лекин урушда олган жароҳати уни соғлом инсонлар қатори осуда яшашга имкон бермасди. Йил ўтган сайин, оғриқ азоби кучайиб борди. Охир-оқибат оёғидан воз кечишга тўғри келди. Оёғидан айрилгач эса...

Жанозада домла йиғилганлардан сўради:

– Биродарлар, Қодир ака қандай одам эди?

– Жуда яхши одам эди, барча мизга устозлик қилган.

– Уларни шаҳид кетди десак, хато бўлмайди. Уруш тугаганига яқин эллик йил бўлишига қарамай, Устоз уруш қурбони бўлди...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

БИЛАСИЗМИ?

Агар косиб ёмон уста бўлса, бундан давлат жуда катта нарса йўқотмайди — фақат халқ ёмонроқ кийинади, холос. Бироқ ёшлар тарбиячиси ўз вазифасини ёмон бажарса, у ҳолда мамлакатда нодон, жоҳил, билимсиз ва аҳмоқлар тоифаси вужудга келади.

АФЛОТУН

“ Ҳар бир давлатда таълим тизими ўзига хос тарзда бўлиши шубҳасиз. Бу, албатта, ўша давлатнинг ривожланиши ва шахснинг манфаати ва камолотига дахлдор масаладир. Қуйида айрим хориж давлатлари таълим тизими ҳақида сўз боради.

Буюк Британия

Бу мамлакат таълим тизими кўп асрлар давомида такомиллашиб келган. Бугунги кунга келиб эса қатъий талабларни ўзида мужассамлаштирган сифатли таълим тизимига эга. Давлатда 5 ёшдан 16 ёшгача таълим олиш мажбурий ҳисобланади.

Таълим тизими 2 тармоққа ажратилган:

1. Давлат бюджети ҳисобидан (бепул таълим).
2. Хусусий (пуллик таълим).

Ҳозир умумий таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим.
2. Тайёрлов босқичи.
3. Бошланғич мактаб.
4. Ўрта мактаб.

Инглиз ёшлари олий маълумотни университет ва институтлардан ташқари коллежларда ҳам олишлари мумкин. Бугунги кунда Буюк Британияда 600 дан ортиқ давлат ва хусусий коллежлар фаолият кўрсатади.

АҚШ

Америка Қўшма Штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1–8-синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9–12-синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14–17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

АҚШда навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибига ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир. Мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади.

Америка университетлари таркибига 2 ва 4 йиллик коллежлар, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари кирди.

Япония

Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: биринчи – бойиш, иккинчи – Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди.

1872 йили «Таълим ҳақидаги қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилда Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ



Таълим поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир. Муҳтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилади.

Коллежлар кичик коллеж, техник коллеж ва махсус коллежларга бўлинади. Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4-курсига қабул қилинади.

Франция

Франция таълим тизими қадимий ва бой тарихга эга. Таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари.
2. Хусусий мактаблар.
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб этиладилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий.

Бошланғич синфларда ўқиш 3 босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи.
2. Элементар курс (бу босқич 2 йил давом этади).
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари, шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади.

Германия

Германияда мактабгача таълим тизими муҳим босқич ҳисобланади. Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади. Германияда

гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5–13-синфларни ўз ичига олади. 11–13-синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади.

Германия таълим тизими бошланғич талабалар ва ёш олимларни бирдек жалб этади. Унинг ўзига хос хусусияти эски университет анъаналари билан илм-фаннинг замонавий ютуқлари уйғунлиги билан ажралиб туради.

Хитой

Хитой таълим тизими ўзига хос мактабгача таълим, бошланғич таълим, тўлиқсиз ўрта таълим, ўрта таълим, университет, аспирантура босқичларини қамраб олган. Хитой Халқ Республикасининг «Мажбурий таълим» тўғрисидаги қонунига мувофиқ, 9 йиллик таълим давлат томонидан мажбурийдир. 6 ёшдан мактабга борилади.

Хитойда олий таълим 3 хил кўринишга эга:

- махсус ўқув дастурларидан иборат курслар (ўқиш муддати 2-3 йил);
- бакалавриатура (4-5 йил);
- магистратура (2-3 йил).

Олий ўқув юрти битиргач, 3 та таълим даражаси берилади:

- бакалавр;
- магистр;
- доктор.

Мамлакатнинг ўсиб бораётган иқтисодиёти юқори малакали мутахассисларга муҳтож, шунинг учун Хитой таълим тизимининг ҳозирги даражаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб беради.

С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

САНА

Сиздан бошланади асли тафаккур

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Институт бошлиғи подполковник Ҳаким Мухиддинов жамиятнинг гултожи бўлган устоз-мураббийларни қутлар экан, Қуролли Кучлар сафига юқори малакали офицерлар ҳамда илмий педагог кадрларни тайёрлаш, онгу тафаккурини кенгайтиришда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнати ва масъулияти муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Шунингдек, Президент фармонида мувофиқ, «Меҳр-саховат» кўкрак нишони, Мудофаа вазирлигининг «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишони ва мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан мукофотланган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, педагог-ҳодимлар тақдирланди.

Махсус авария-тиклаш бошқармасининг «Импульс» ансамбли хонандалари ижросидаги дилтортар куй-қўшиқлар гулдастаси ўқитувчи ва мураббийлар учун яна бир байрам тўхфаси бўлди.

Д. ШУҲРАТОВ



Муаллиф суратга олган

ДАВРА СУҲБАТИ

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида «Оилавий тадбиркорлик: моҳияти, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Тошкент давлат транспорт университетининг Иқтисодиёт фанлари кафедраси профессори Гулнора Шодиева, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати Мавлуда Нуруллаева, Каттақўрғон шаҳридаги «Нақиббек» жоме масжиди имом-хатиби Анвар қори Назаров ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Йиғилганларга давлатимиз томонидан яратилган имтиёз ва шароитлардан оқилона фойдаланиш, оила бюджети ва фаровонлигини таъминлаш, турмуш ўртоқларининг фойдали машғулоти, иш билан бандлиги, бир-бирига ўзаро ҳурмат сақлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида тушунчалар берилди.

Давра суҳбати якунида мутахассислар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг турмуш ўртоқларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА


РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги Учкўприк тумани ўқув спорт-техника клуби жамоаси юртимизнинг барча илм-маърифат вакиллари, жонкуяр ҳамда заҳматкаш муаллимларини, шунингдек, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги учун матонат билан хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида фаолият олиб бораётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимларини 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан самимий табриклайди!

Юртимиз тинч, азиз халқимиз соғ ва омон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, ЎСТК жамоаси Учкўприк туманидаги барча ёшларни автомобиль бошқаришнинг «В», «ВС», «Е» ҳамда «D» тоифали ўқув курсларига таклиф қилади.

Назарий машғулотлар масофадан туриб, онлайн ташкил этилмоқда. Амалий машғулотлар эса малакали мутахассислар томонидан санитария-гиена қоидаларига амал қилинган ҳолда олиб борилади.



Манзил: Учкўприк тумани, «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув спорт-техника клуби биноси.

Мурожаат учун телефон: 91-146-45-44.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Маънавий-маърифий мавзудаги тадбирлар кўп ҳолларда бир-бирини такрорламаса-да, ўхшаш томонлари ҳам бисёр. Бироқ бугунги тадбир барибир бошқачароқ.

Қандай тушунтирсам экан? Ўша биз билган, ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган, ҳар доим эҳтиёж сезганимиз Ватан, ватанпарварлик ҳақида сўз борди, тадбирда. Катта янгилик эмас-ку, деяпсизми? Тўғри, катта янгилик эмас. Аммо одатдаги тадбирлардан бироз фарқли томони бор-да. Сизга юридик фанлар доктори, профессор Гулчеҳра Маткаримова номи яхши таниш. Чунки бу инсон Мудофаа вазирлиги тизимида қарашли муассаса ва ҳарбий қисмларда бўлиб ўтадиган қатор маънавий-маърифий тадбирларда долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этиб келади.

Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланган бугунги тадбирда унинг «Миллий армия – таянчимиз, фахримиз» маърузасини йиғилганлар қизгин кутиб олдилар. Ва... уни алоҳида олқишладилар. Нега? Маъруза шу қадар кучли таъсир қилди?

Ҳа, маъруза яхши бўлди. Аммо олқишларнинг ҳаммаси ҳам маъруза учун эмас, ҳарбий хизматчилар орасида сафарбарлик чақируви резерви хизмати ойлик йиғини иштирокчиси, унинг ўғли Спитамен Исфандиёров бор эди. Сафдошлар Онага шу тариха эҳтиром-

ларини билдирдилар. Бунақаси камдан-кам бўлади-да.

Ҳаяжон, севинч кўз ёшлари... Бу армиянинг одатдаги бир кунидир. Аммо битта Она қалбининг осмон қадар юксалган лаҳзаси, куни ҳамдир!

...1982 йилда адиб Исфандиёр «Спитамен қасами» асарини ёзиб тугатди. Бу тарихий асар номи совет воқелигига номуносиб топилган эди. Адиб ўз асарини буюк аждодимизга улкан меҳр-муҳаббат билан ёзган эди. Ва ўша кезларда «ўғил фарзанд кўрсам, исмини Спитамен қўяман», деган эзгу ўйни кўнглига жойлади. Бирмунча вақт ўтиб, ор-

зулар ҳам ушалди. Аввал китоб, сўнг Спитамен дунё юзини кўрди.

Буни адиб ижодидан яхшигина хабардор бўлган Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассис Зулфия Мансурова айтиб ўтди. Унинг маърузаси... Йўқ, бу маъруза эмас, она, ота, фарзанд, оила, Ватан ҳақида дўстона суҳбат десак, тўғрироқ бўлади. Чунки оила бир киши сўзлаб, бошқалар тинглайдиган мавзу эмас, ҳар бир инсоннинг айтар сўзи, ўрни бор мавзудир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зоҳиджон Холовнинг Ватан, севги-муҳаббат мавзусидаги шеърларини йиғилганлар қизгин кутиб олдилар.

Шаҳриёр Остонбеков ижро этган қўшиқлар тадбирга алоҳида завқ-шавқ бахш этди. Тадбирни ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Олим Юлдашев олиб борди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

“ Ҳаётда оила каби муқаддас даргоҳнинг ўзи йўқ. Инсон истиқболи, бахти оила билан мукамал, ҳаловатлидир. Шундай экан, оилани кўз қорачиғидек асраш, авайлаш борасида қанча бонг урсак, шунча кам. Янгийўл туманидаги ҳарбий қисмда «Оила – муқаддас қўрғон» шиори остида бўлиб ўтган тадбир айнан шу мавзуга қаратилди.

Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамда Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳамкорлигида ҳуқуқбузарлик профилактикаси куни муносабати билан ўтказилган тадбирда оиланинг қадрига етиш, ўғил-қизлар учун тарбия маскани бўлган ушбу даргоҳ шаънини доимо ҳимоя қилиш, қадрлаш борасида сўз юритилди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия майори Гулчеҳра Турсунова оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўхталиб, ҳаётининг мисоллар келтириб ўтди. Шунингдек, подполковник А. Берданов ёш

ОИЛА – ИНСОННИНГ ШАЪНИ, ҒУРУРИ



оилаларда ажримларнинг олдини олиш, фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни каби долзарб мавзуларга урғу берди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусанова аёлларнинг жамиятдаги ва оиладаги ўрни ҳақида мулоҳазали фикрлар билдирди.

Ўз ўрнида таҳликали бўлган пандемия даврида ҳарбий қисмда эркалар билан бир сафда хизмат қилаётган фидойи аёлларга шарафли ва машаққатли хизмати учун омад тилаган ҳолда, ўз миннатдорчилигини билдирди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Адлия полковниги Отабек ХОЛБОЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори

МАВЗУ ҲАЛИ ЁПИЛМАГАН



АҚШ Марказий қўмондонлиги раҳбари Кеннет Маккензи Россия ва «Толибон» террорчилик ташкилоти ўртасида бирон-бир келишув мавжудлигини исботловчи далиллар топилмаганлигини тан олди. Бу ҳақда «Интерфакс» агентлиги NBC Newsга таянган ҳолда хабар берган. Шу билан биргаликда, Маккензи бу мавзу ҳали ёпилмагани ва Америка томони далиллар излашни давом эттиришини маълум қилган. Россия томони эса АҚШнинг бу борадаги барча айбловларини бутунлай асоссиз, деб атаган.

УМРА ЗИЁРАТИ БОШЛАНАДИ



Саудия Арабистони подшоҳлиги мусулмонлар учун Умра зиёратлари қачон тикланишини маълум қилди. Хабар қилинишича, зиёратни аввалига Саудия фуқаролари бошлаб беради, бошқалар учун эса бу зиёрат босқичма-босқич йўлга қўйилади. Шу йилнинг 4 октябридан бошлаб 6 минг нафаргача саудиялик бу зиёратни адо эта олади. Хавфсиз деб топилган бошқа давлатлар фуқаролари эса Умра зиёратини 1 ноябрдан бошлашади. Саудия Арабистони бунгача 20 минг нафар зиёратчини қабул қилишга тайёр бўлади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САФАРБАРЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Тоғли Қорабоғдаги вазият кескинлашгани сабабли мамлакатда қисман сафарбарлик бошланганини эълон қилди. Аввалроқ Озарбайжоннинг барча ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилгани маълум қилинган эди. Бунга 27 сентябрь куни мазкур ҳудудда Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳарбий зиддиятлар қайта тиклангани сабаб бўлган. Арманистон ва Тоғли Қорабоғда ҳам умумий сафарбарлик эълон қилинган.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

Исроил Қуроли Кучларининг асосий ва энг кўп сонли тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар зиммасига мазкур минтақада юзага келиши мумкин бўлган ҳарбий можаролар даврида мамлакат суверенитети ва ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш, турли йўналишларда олиб бориладиган ҳужум ёки мудофаа операциялари мобайнида душман қўшинларини тор-мор қилиш вазифаси юклатилган.

Бу турдаги қўшинларнинг асосий оператив бирлашмаси ҳарбий округ бўлиб, у жанговар ҳаракатлар бошланиши биланоқ фронтга айлантирилади, армия корпуслари штаблари эса уруш даври штатларигача кенгайтирилади. Қуруқликдаги қўшинларнинг олий тактик қўшилмаси дивизия ҳисобланади.

Қўшин қўмондонлигининг тинчлик давридаги асосий вазифаси қўшилма ва қисмларнинг жанговар тайёргарлигини ташкил қилиш, уларнинг кундалик фаолиятини таъминлаш ва юқори жанговар шайлиқда ушлаб туришдан иборат. Умумий оператив раҳбарлик вазифалари Исроил Қуроли Кучларининг Бош штаби зиммасига юклатилган бўлиб, учта ҳарбий округ (*Шимолий, Марказий ва Жанубий*) қўмондонлари бевосита мазкур штабга бўйсунди. Улар Қуруқликдаги қўшинлар қўмондонлигига фақат жанговар тайёргарлик масалалари бўйича бўйсунуши белгиланган.

Ҳозирги даврда Қуруқликдаги қўшинларнинг умумий сони деярли 130 минг кишини ташкил этади, сафарбарлик эълон қилинган вақтда бу кўрсаткич 515 минг кишигача етиши мумкин. Ташкилий жиҳатдан қўшин таркибидан 11 та дивизия (*5 та ҳудудий, 4 та бронетанк, мотопиёдалар ва ҳаво десанти*), алоҳида ҳудудий бригада ва 8 та артиллерия полки жой олган.

Бугунги кунда қўшин тасарруфидаги жанговар техника ва қуроллар таркибида 2 800 га яқин жанговар танк (*маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилувчи «Меркава» Mk2, «Меркава» Mk3, «Меркава» Mk4 ва бошқа типдаги*), 7 000 га яқин зирхли транспортёр ва жанговар машиналар (*БТР М113, «Намер», «Вульф», «Экстрим», «Мантис» ва ҳ.к.*), 2 900 дан ортиқ артиллерия тўплари, миномёт ва бараварига ўт очувчи ракета тизимлари, 2 500 дан зиёд танкка қарши кураш воситалари, 3 500 дан ортиқ зенит воситалари, шунингдек, оператив-тактик ракеталар (*«Ланс», «Град», «Делила» ва ҳ.к.*), турли типдаги учувчисиз учиш аппаратлари (*«Скарлайк», «Хароп», «Гермес-900», «Херон-ТР» ва ҳ.к.*) ва бошқа қуроллар мавжуд.

Исроил Қуроли Кучларида босиб олинган ҳудудларда хавфсизлик ва назоратни таъминлаш, террорчиларга қарши кураш олиб бориш, давлат чегараларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш, шунингдек, чегараларни ноқонуний кесиб ўтиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда контрабандага қарши курашиш мақсадида ҳудудий бўлинмалар ташкил этилган. Ўз вазифасига боғлиқ равишда улар тегишли ҳарбий округ қўмондонлигига бўйсунуши ёки қўшилмалар-

ИСРОИЛ АРМИЯСИНИНГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАРИ



дан бирининг таркибига киритилиши мумкин.

Қуруқликдаги қўшинларда 5 та ҳудудий дивизия шакллантирилган бўлиб, тинчлик даврида

уларнинг таркибига учтадан бештагача ҳудудий бригада ёки алоҳида батальонлар киритилиши мумкин. Шу билан биргаликда, одатда, ҳудудий бригадалар уруш даврида резервдаги ҳарбий хизматчиларни чақириш ҳисобида шакллантирилади. Ҳудудий дивизиялар тузилмасига алоқа батальони, разведка батальони, тиббий бўлинма, шунингдек, фронт орти қисмлари сингари таъминот қисмлари ва бўлинмалари киритилган. Ҳудудий қўшилмаларнинг ташкил этилишига мамлакатда чегара хизматининг мавжуд эмаслиги, шунинг учун давлат чегараларини қўриқлаш вазифаси Қуроли Кучлар зиммасига юклатилгани сабаб бўлган. Бироқ жанговар қисм ва бўлинмаларнинг шунга ўхшаш ишларга жалб этилиши уларнинг ўз асосий вазифаларидан чалғишига олиб келади, бу эса жанговар тайёргарликка салбий таъсир кўрсатади.

Қуруқликдаги қўшинлар таркибидан бронетанк, мотопиёдалар (*пиёдалар*) ва ҳаво десанти, артиллерия, муҳандислик, разведка сингари қўшин турлари, шунингдек, ҳарбий полиция, алоқа, ракета-артиллерия қуроллари ва фронт орти таъминоти хизматлари жой олган. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва оператив тайёргарлиги бир йиллик циклга мўлжалланган ва қўмондонлик-штаб машқлари ҳамда тактик-саф машғулотлари шаклида олиб борилади. Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги тўртта босқичдан иборат: бошланғич; касбий; расчёт (*ҳисоб*), бўлим ва взвод таркибида; рота ва батальон таркибида. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар террорчи гуруҳларга қарши кураш тактикасини

фаол ва пухта ўрганадилар. Разведка бўлинмалари ва махсус бўлинмаларнинг ўқув машқларида мамлакат ҳудудига бостириб кирган террорчи гуруҳларга қарши курашиш, гаровга олинганларни озод қилиш, шунингдек, муҳим sanoat объектларини қўриқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Қуруқликдаги қўшинларнинг қўшилма ва қисмлари жанговар шайлик тоифаси бўйича доимий шай ҳолатдаги бўлинмалар, шунингдек, 1- ва 2-навбатдаги резерв бўлинмаларга ажратилган. Доимий шай ҳолатдаги бўлинмалар тинчлик даврида шахсий таркиб, қуроллар ва жанговар техника билан 100 фоиз, 1-навбатдаги резерв бўлинмалар – шахсий таркиб билан 50 фоиз, қурол ва техника билан деярли 100 фоиз, 2-навбатдаги резерв – мос равишда 10-15 ва 80-90 фоиз бутланган.

Қуроли Кучлар раҳбарияти томонидан Қуруқликдаги қўшинларга қарашли бронетанк техникаси паркинни янгилаш бўйича режали ишлар олиб борилмоқда: ҳозирга келиб анча эскирган танклар (*М60А1/А3, «Паттон», «Меркава» Mk1, «Меркава» Mk2*) ўрнига «Трофи» типдаги фаол химоя тизими билан жиҳозланган «Меркава» Mk4 танклари харид қилинмоқда. Бундан ташқари, бронетанк техникасининг истиқболли намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Бунда янги намуналарнинг жанговар оғирлигини икки баробар камайтириш, ускуналарни рақамлаштириш ҳисобида экипаж аъзоларини икки кишигача қисқартириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, иккита алоҳида артиллерия дивизиони ихтиёридаги «Ланс» типдаги оператив-тактик ракеталарни қуроллар таркибидан чиқариш ва уларнинг ўрнига «Линкс» типдаги бараварига ўт очувчи универсал тизимни етказиб бериш кўзда тутилган.

Қуруқликдаги қўшинларнинг разведка таъминоти учун учувчисиз учиш аппаратлари (УУА)дан фойдаланиш мақсадида тактик йўналишдаги кичик ўлчамли разведка аппаратларини ишлаб чиқиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда бу мақсадда «Скайларк» типдаги УУАлардан фойдаланилмоқда. Қўшин артиллериясининг махсус бўлинмаси ҳаво разведкасини олиб бориш ва душманнинг ердаги (*сув устидаги*) нишонларини йўқ қилиш учун мўлжалланган «Хароп» типдаги зарбдор УУАлар батареяси билан таъминланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Исроил ҳарбий раҳбарияти Қуроли Кучларнинг бошқа турлари билан бир қаторда Қуруқликдаги қўшинларни янада такомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бу борадаги ташкилий-штат ва оператив-тактик тадбирлар мамлакат Қуроли Кучларини ривожлантириш бўйича белгиланган махсус дастурлар асосида олиб борилмоқда.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ



Туркменистонда мамлакат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, пойтахт Ашхобод шаҳридаги марказий майдонда ўтказилган парадда мамлакат армиясининг барча турлари вакиллари иштирок этди, Қуроли Кучлар ихтиёридаги жанговар техника намуналари намойиш этилди. Парад ортидан ўтган автоплатформаларда Туркменистоннинг турли соҳаларда эришган ютуқлари кўрсатиб ўтилди. Байрам тантаналари катта концерт ва мушакбозлик билан якунланди.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



Душанбе шаҳрида Тоҷикистоннинг сайловлар ва референдумлар бўйича Марказий комиссияси ва ЕХХТ кузатувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзаро муҳокамаларда асосий эътибор Президент сайловларининг шаффоф тарзда ўтказилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш масаласига қаратилди, деб хабар беради «Ховар» давлат ахборот агентлиги. Марказий комиссия раҳбари Бахтиёр Худоёрзода муҳим сиёсий тадбирнинг демократик тамойиллар асосида ўтказилиши учун барча чоралар кўрилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЛОЙИХАЛАРГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Қозоғистон Бош вазири Аскар Мамин ва Татаристон Президенти Рустам Минниханов Кустанайда ташкил этилган индустриал зонада умумий қиймати 261 миллиард тенге (610 млн доллар)га тенг бўлган стратегик жиҳатдан муҳим учта лойиҳага старт берди. Бу ерда чўян қуйиш ва «КАМАЗ» машиналари кўприги учун қисмлар ишлаб чиқариш заводини қуриш лойиҳаси ишга туширилди, шунингдек, Қарағанда вилоятининг Сарань шаҳрида автомобиль шиналарини ишлаб чиқариш бошланди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

МАҚСАДИМИЗ – ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Урганч шаҳар автомобиль спорт-техника мактаби жамоаси таълим соҳасининг барча ходимларини умумхалқ байрами 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади! Муҳтарам Ўқитувчи ва мураббийлар! Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдек шарафли меҳнатингизга янгидан-янги зафарлар тилаймиз!



2019 йил январь ойи Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Урганч шаҳар автомобиль спорт-техника мактаби унитар корхонаси тарихида салмоқли ўрин эгаллайди. Бойси, ушбу ташкилот айнан шу ойда ташкил этилган.

«Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши раиси Давронбек Ибрагимов Маҳмуджон Давлатжонов билан суҳбатлашиб, Урганч шаҳрида ташкил этиладиган ўқув ташкилотига раҳбарлик вазифасига уни таклиф қилди. Маҳмуджон Давлатжонов ўша йиллари ташкилотнинг Урганч Бирлашган техника мактабида бошлиқ лавозимида ишлаб юрганди. Бу соҳа унга таниш бўлганлиги учун янги ташкилотни бошқариши мумкинлигини айтди. Бу фикр бир овоздан вилоят кенгаши фаолларига ҳам маъқул бўлди.

Шу тариқа ташкил этилган Урганч шаҳар автомобиль спорт-техника мактаби (АСТМ) дастлабки йилларда бироз қийинчиликка дуч келди. Ходимларнинг унумли ишлаши учун бино ва хоналар етарли эмасди. Бундан ташқари, янги ташкилот учун қанчадан-қанча маблағ зарур эди. Аммо ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишдек эзгу мақсадларни кўзлаган спорт-техника



мактаби жамоаси аъзолари ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини тўла намоиш қилишди. Қисқа вақтда «А», «В», «С», «Е», «D» ҳамда «ВС» тоифадаги ҳайдовчилик курслари очилиб, малакали ҳайдовчиларни тайёрловчи тажрибали ўқитувчилар таркиби тузилди. Ёшларга ҳайдовчилик маҳоратини пухта ўргатиш учун махсус синфхоналар ташкил этилди, замонавий русумдаги енгил ва юк автомобиллари ҳамда барча зарур жиҳозлар келтирилди.

Натижада автомобиль спорт-техника мактаби фаолияти яхшиланиб, вилоятдаги ўқув-спорт техника клублари орасида етакчи ташкилотлар сафидан

жой олди. Ҳайдовчиликка ўқийдиганлар сафи тобора ортиб борди. АСТМ фаолиятини бошлаган давр ичида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мингдан зиёд ҳайдовчилар тайёрлашга эришилди. Бундан ташқари, мактабда радиотелефончилар, компьютер саводхонлиги ҳамда амалий бошқаришни ўргатиш усталари малакасини ошириши каби курслар мавжуд.

– Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қарори талаблари даражасида жиҳозланган синф хоналарида масофадан туриб, онлайн тарзда машғулотлар олиб борилмоқда, – дейди Урганч шаҳар АСТМ бошлиғи Маҳмуджон Давлатжонов. – Албатта, амалий машғулотларимиз бугунги карантин шароитларидан келиб чиққан ҳолда бажарилишига эришилмоқда. Бу машғулотлар жараёнида тингловчилар соҳага доир ўзларини қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб олишлари мумкин. Мактабимиз моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Ўз навбатида техника илмини яхши эгаллаган ўқитувчиларимизни таъкидлаб ўтиш ўринли. Уларнинг маҳоратидан самарали фойдаланяпмиз. Шоҳруд Ибрагимов, Ортиқбой Бозоров, Қувондик Қодиров, Иззат Қурбонов, Икром Болтаев, Ботир Мадримов сингари ўқитувчилар дарс самарадорлигини оширишда хизмат кўрсатмоқда. Амалий бошқаришни ўргатиш усталаридан Маҳмуджон Хажиев, Бахтиёр Сапаев, Ражаббой Артиқов, Султон Якубов, Ғайрат Худойбергенов, Улуғбек Аллаёров автоуловларни моҳирлик билан бошқариш сирларини ўргатишмоқда. Шундан бўлса керак, мактабда машғулотлар доимо қизиқарли ва мазмунли олиб борилишига эришиляпти.

Шунингдек, спорт-техника мактабида ёшлар учун парашютдан сакраш ҳамда мотокросс секциялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мотокроссчиларимиздан Максим Арипов, Кўпал Жуманиёзов ҳамда Жамшид Бобожонов республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишган. Парашют секцияси раҳбари Рустам Бобожонов эса мингдан зиёд парашютлардан сакраш машғулотларини бажарган. Амалга оширилган ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу автомобиль спорт-техника мактаби қисқа давр мобайнида салмоқли ишларни амалга оширди. Ташкилот аъзолари эндиликда халқ хўжалигига керакли мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам муайян натижаларга эришмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



BAYRAMINGIZ MUBORAK, AZIZ USTOZLAR!



Surat internet sahifasidan olindi.

Yurtimizda 1 oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni umumxalq bayrami sifatida keng nishonlab kelinadi. Ming-minglab murg'ak qalblarga ezgulik yog'dusini sohadigan, o'z o'quvchilariga hayot maktabini beradigan mo'tabar zot – o'qituvchi

va murabbiylarimizga bugungi kasb bayramingiz muborak bo'lsin, deymiz! Shu kuni bizga saboq bergan, hayot so'qmoqlaridan odimlab borishimizda ustozlik qilgan va bu vazifani ayni paytda ham sharaf bilan bajarib kelayotgan insonlarni kasb bayramlari bilan tabriklashga oshiqamiz. Albatta, har birimiz qaysi sohada mehnat qilmaylik, ustoz va murabbiylarga ehtiyoj sezamiz. Avvaliga maktabgacha ta'lim muassasasi, keyin maktab, navbati bilan oliy o'quv yurtida ustozlardan saboq olamiz. Ota-onalarimiz esa bu borada bizning bir umrlik yo'ldoshimiz.

Haqiqatan ham, ko'z nuri va qalb qo'rini, butun ongli hayotini yosh avlodga bilim va tarbiya berishga, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida kamol toptirishga bag'ishlagan, bir so'z bilan aytganda, Vatanimizning ertangi kunining poydevorini yaratayotgan bu insonlarning olijanob mehnatiga har qancha tahsin aytsak oz.

Xalqimiz ustozlarni e'zozlab: "Ustozning umri – mangu, chunki shogirdlar umri unga ulanadi", – deydi. Muallim – ustoz shunday mo'tabar zotki, uning nomi ham, umri ham hamisha boqiydir.

Yosh avlodga ziyo nurini taratishdan aslo charchamagan, aziz ustoz va murabbiylar!

MUALLIMIM

*Ko'z o'ngimda
Ochdi dunyo
Muallimim.
Yodlarimga
Sochdi ziyo
Muallimim.*


*Go'dak edim
Ona kabi
Parvarishlab,
Ulg'aytirdi
Meni dono
Muallimim.*

*Shogirdmanki
Taxt turaman
Xizmatiga,
Qilsa agar
Bitta imo
Muallimim.*


Yusuf SHOMANSUR



MATEMATIKA SAUUDORASI



Ranglar jilosi



O'YLA, IZLA, TOP!



ЗАГАДКИ

*Не барашек и не кот,
Носит шубу круглый год.
Шуба серая – для лета,
Для зимы – другого цвета.*

*Она прыгать мастерица,
Она прыгать не боится.
Небольшой у неё рост,
Но зато пушистый хвост.*

*В овечках знает толк
Свирепый, жадный...*

*Всех зверей она хитрей,
Шубка рыжая на ней.
Пышный хвост – её краса.
Этот зверь лесной – ...*

Кто осенью спать ложится, а весной встает?

ОБУНА — 2020

«VATANPARVAR» ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ — 114

«ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ» ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ — 1273

— МЕН «VATANPARVAR»НИ
ТАНЛАДИМ. СИЗ-ЧИ?



VATANPARVAR

БИР ЧИМДИМ

Шогирд
бўлмаган
киши устоз
бўла олмайди.

БОЭЦИЙ

БИЛАСИЗМИ?

1586 йилда Бухоронинг гавжум бозорларидан бирида кутилмаганда даҳшатли бир воқеа содир бўлади. Кўплаб одамлар, жумладан ҳунармандлар ҳалок бўлган ва катта талафот келтирган бу воқеа ҳақида «Абдуллонома» асарида маълумот берилган. Бухорода қандай воқеа содир бўлган эди?

Жавоб: бозорга тўташ жойлашган икки қаватли хўжралардан тароқдор порох ҳужайраларида ўт тушиб, яқиндаги портлаш содир бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

XVII асргача физика фани қандай ном билан аталган?

Жавоб: натурал философия.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Тоғ тайёргарлиги
курслари
ҳарбий альпинизм
синовлари

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ

Роберт ИСЛАКАЕВ
Нодира ВАЛИЕВА

Мусахҳихлар:

Зебо САРИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримдик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1062.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: АЗ.

Адади: 30 432 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.